Миллий тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1995 йил, 27 июн • 3-сон

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, ҳамкасблар!

Одамлар бир-бирлари билан янги танишганларида ёки танишмоқчи бўлганларида насаб суриштирадилар. Бу бекорчиликдан бўладиган қизиқиш эмас. Одамлар бир-бирларининг қаердан келиб чиқаётганлигини билишни ва, қолаверса, шунга муносиб муомала-муносабат қилишни истайдилар. Тўғрими-нотўғрими, одамлар ўртасида ёзилмаган, лекин жуда чуқур ўрнашиб қолган ҳаётий тажрибалар ҳамда қонуниятларга кўра, насабга қараб муносабат туғилади ва шаклланади. Бунда бировни паст, бошқа бировни баланд кўришга интилиш ёки истак йўқ. Бунда фақат билиб муомала-муносабат қилиш истаги мавжуд. Биз ҳозир «муносабат» сўзини бутунлай бошқача маънода қўллаймиз. Аслида «муносабат» билан «насаб» сўзларининг илдизи бир. Улар бир маъно доирасида ишлатилади. Демак, одамлар ўзлари истаган-истамаган ҳолда насабга эмас, ҳаётийлик, инсонийликка кўра қарасак, одамни одамдан ажратиш эмас, балки одамнинг моҳиятига қараб муомала қилиш донолигини кўрамиз.

Худди шунга ўхшаш «миллат» тушунчаси ҳам бизнинг аслимиз-наслимиз, демакдир. «Миллат» тушунчаси бизнинг нимага, кимга мансублигимизни билдиради. Кўрдингизми, ўзимиз билими-билмайми, «насаб» сўзи билан чамбарчас боғланган яна бир сўзни ишлатдик. «Мансублик» тушунчаси ҳам асли «насаб» билан бир уядан чиқади. Худо сўзларни бир-бирларига шундай қариндош ва маънодош, шунга кўра, ғоятда гўзал қилиб яратган, араб заминидан чиққан сўзлар билан ажам заминларини безатган. Сўзлари билан ҳам одамларни ўзаро қардош-қариндош қилиб қўйган.

Ўтган совет давронини ёмонламоқчи эмасман. Бу балки марҳумни ёмонлашга ўхшаган бир нарса бўларди. Бизда эса, оламдан ўтгандан сўнг, ўзини ҳимоя қилолмайди деб, марҳумларни ёмонламайдилар. Унинг ҳатто қаттол ёмонликларини ҳам илоҳи бўлса тилга олмасликка уринадилар. Лекин биз бугунимиз ва келажагимизни юксак даражада қуриш учун илгари қандай яшаганлигимизни ҳам тўла англаб етишимиз жойиздир.

Бизнинг миллат сифатида ўсишимиз кейинги икки асрда мутлақ оғир фожиалар ичида кечди. Бир зум нафас ростлаш учун ўн йиллаб ҳансирашга тўғри келди. Кўксимизни ердан кўтарай десак, ҳар сафар бағримиз зардобга тўлди.

Бизга маиший ҳаётга берилган миллат сифатида қарашни одат тусига киритдилар. Яъни турли йўллар билан бизни том маънодаги маиший миллатга, маиший ҳаётдан бошқасига ярамайдиган халққа айлантиришнинг барча чоралари кўрилди. Миллий давлатчилик, миллий манфаатлар, миллий тил, миллий жуғрофий бирлик каби халқ учун асос тушунчаларни хотирадан, тушунчалар доирасидан ўйлов, фикрлов доирасидан суриб чиқариш жараёнлари суръат билан изчил олиб борилди.

Империянинг бир хусусияти шу эканки, у албатта насабни — мансубликни йўқотар экан. Одамларда мансублик туйғуси барҳам топгач, уларни империя манфаатларига кўра истаган кўйга солиш жуда осон кечар экан ва мансубликдан маҳрум халқнинг иродаси ҳам, қаршилик кўрсатиш майллари ҳам сўниб битар экан.

Империя мафкураси тўқиб чиқарган сохта, илдизсиз санам-лар ва бутларга сиғиниш урфга айланар экан. Куни кеча ўзимиз, болаларимиз сиғинган, тилдан қўймай такрорлаган нарсаларни бир-бир эслаб кўринг. Одам у сиғинишлардан даҳшатга тушади. Қаерга қараб бораётган эдик? Яна чорак асрдан сўнг ишлар ўша суръат билан кетаверса, нима бўлар эдик?

Мана, энди миллат мустақилликка эришиб, ўз давлатчилиги доирасида ўз тақдирини ўзи белгилаб яшай бошлагандан кейин кўриб тарибмизки, ҳақиқий дўстлик, биродарлик, қардошликка насаб-мансублик-миллат бирлигини, туйғусини йўқотиб эмас, аксинча, миллатга мунсублик туйғуси ва онг-қарашларини кучайтирибгина етишиш мумкин экан. Дўстлик, биродарлик, ҳамкорликни эса, ҳеч қачон сохталик ёки зўравонлик асосларига қуриб бўлмайди. Буни тарих тўла исботлади.

Миллат бирлиги гуллаб-яшнаганда, равнақ топгандагина, чин дўстлик ва ўзаро ёрдам, бегаразлик юзага чиқади. Халқлар бир-бирларидан ўта холис мадад олиб тараққий этадилар.

Биз ўзини топаётган мамлакат, ўзини топаётган миллат, ўзини топаётган халқмиз. Мамлакат, халқ, миллат равнақининг концепсияси давлат бошлиғи томонидан мукаммал ишлаб чиқилди ва шу концепсия қанчалар чуқур ўйланганлиги ҳозир ҳар онгнинг, милий туйғуларнинг, милий равнақи замиридагина қарор топади ва бузилмас бўлади. «Миллий тикланиш» газетамиз ўз номига яраша ва ўз олдига қўйилган барча эзгу вазифаларга муносиб тарзда халқнинг равнақи, ёш давлатимизнинг қудрати учун хизмат қилади.

Биз миллий кучанишдан, миллий ажратмачиликлардан мутлақо узоқмиз. Бу нарсалар бизга ёт. Президент аниқ топиб айтганидек, ўзбеклар ўзига ишонадиган халқ. Шу ишонч замирида бошқа халқларга ҳурмат-эҳтиром ётади. Халқнинг шунча кўргиликлар ичида битмай-йитмай, бузилмай яшаб келаётганлигининг боиси ҳам шунда. Биз хонликларнинг тарқоқликлари, чоризм ва совет истибдоди етказган зиён-заҳматлардан тўла, бутунлай қутулиш даврига қадам ўзи таъминлашга, ўз ҳаётини ўзи қуришга, ўз манфаатларини ўзи ҳимоя қилишга қодирдир.

Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партияси жамиятнинг барча илғор кучлари, мустақилликни мустаҳкамлаш учун ғайрат кўрсатаётган барча партиялар билан ҳамкорликда давлатимиз ва халқимиз олдига қўйилган ана шу муқаддас вазифаларни бажаришга бутун кучғайрати ва салоҳиятини сарф қилади.

Халқларнинг яқинлашуви ва биродарлашуви фақат миллий тикланишнинг аён белгиларидир. Шу уч буюк концепсияни тўла бажаришга жидду-жаҳд кўрсатадиган миллат ўз келажагини қўйдик.

Энди миллат ва халқ олдида ҳозирги илмий-техник тараққиёт, олий технологиялар, янгиланаётган маданиятлар шароитига ҳар томонлама муносиб бўлмоғимиз, мансублик касб этмоғимизга тўғри келади.

Кенг йўсиндаги социал ўзгаришлар дарвозамизни шитоб билан қоқиб турибди. Бизнинг бу социал ўзгаришларга тайёргарликсиз чиқишга ҳам, унинг қошида шошиб қолишга ҳам ҳаққимиз йўқ.

Миллий тикланиш соати ишга тушди.

У ҳаётимизнинг ҳар бир соҳаси, ҳар бир одамни ўз қамровига олади. Яъни ҳар бир соҳа, ҳар бир одам, тикланишга — маънавий, руҳий, маданий, социал тикланишга кирди.

Умид қиламизки, газетамизнинг ҳар бир сатрига кенг йўналишдаги тикланиш ғоялари, мавзулари йўлдош бўлади.

Тикланиш, аввало, руҳий бардамлик ва доимо киши ўзини миллатпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ишига шай ҳолда кўрмоғи, демакдир.

Газета шундай руҳий бардамлик, онгимиз, қарашларимизнинг камолоти учун хизмат қила олсагина ўз олдига қўйилган катта вазифаларни уддалаган бўлади.

«Миллий тикланиш» бу йўлда халқ билан, ўз ўқувчилари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилади. Гўзал ғояларимизни рўёбга чиқаришда ҳамиша сиз билан бир тан, бир жонмиз.

Ҳамиша ўз ҳаётимизга ўзимиз мансуб бўлайлик!.

ГАЗЕТАМИЗ ЎҚУВЧИЛАРИГА

Муҳаммад ИСМОИЛ

ЭЛИМ ДЕБ

Файзуллоҳ Хўжаев хотирасига

У қасд эди, қайтмасди
Давр ўзи ўзга келди.
давр ўзи қасдлашди.
Ёв бағрига олган элни
ҳамон менинг элим деб,
ёв бағрига босган ерни,
ҳамон менинг ерим деб,
ёв қаҳрига қолган эркни,
ҳамон менинг эрким деб,
у алданди, айбланди.
У дод эди, у ғанимга:
«— Айбламагин, от!» — деди.
Аммо ғаним битта ўқни,
йўқ қилмади, аяди.
У алданди, қамалди.
Чоҳда қолди аҳдлари,
бизга айта олмади, —
Айтолмади, қанча одам чоҳга қулаб, алданди.
Чоҳда қолиб йўл топмади, сўнгра ўлим ахтарди.
Сўнгра чоҳда туғилди ўзин унутган авлод.
Билмас, билмас недир ўлим ҳамда нимадир ҳаёт.
Бу кун вақтнинг ўзи топди, рақобатни, нажотни,
Бу оламни тирилтгувчи ҳаловатни — ҳаётни.
Бир ўч берди, бир куч берди қадр берди қайтадан,
Қурбон берди, ажр берди, қаҳр берди қайралган.
Ҳар бир ўғлинг хуни учун, асос унсин сабрингдан,
Қолма мазлум, қолма маҳкум, халқим қўрқкин тангрингдан.
У қасд эди, қайтмасди.

Асрлар либосига ўранади жисмимиз



«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ҒАЗЕТАСИГА ОБУНА БОШЛАНДИ!

— Биз янги чиқаётган «Миллий тикланиш» газетасига ёзилмоқчимиз. У бизнинг газетамиз.

— Сиз ҳали ўқимадингизми?

—Келинг, бирга ўқиймиз!

1995 йил июл ойидан бошлаб ижтимоий, маърифий, маданий, илмий, сиёсий янги ҳафталик газетамизга обуна бошланди.

«Миллий тикланиш» газетасига Ўзбекистоннинг барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Шахсий обуначилар учун индекс — 64618.

Ташкилотлар учун индекс — 64619.

ФАРҒОНАДА ПАРТИЯ ТАШКИЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

24 июнда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Фарғона вилоят ташкилий конференцияси бўлиб ўтди.

Партия Марказий ҳайъатининг раиси Азиз Қаюмов янги партия олдида турган вазифалар ҳақида маъруза қилди. Маъруза юзасидан қизғин муҳокама бўлди. Сўзга чиққанлар Миллий тикланиш партияси тузилганлиги, унинг Дастури ва Уставини сидқидилдан қўллаб-қувватлаб гапирдилар.

Конфереция Фарғона вилояти ҳайъати, ҳайъат раиси, раис ўринбосари ва Тафтиш комиссияси сайлади.

Партиянинг Фарғона вилояти ҳайъати раиси қилиб Фарғона Давлат университети Тиббиёт Марказининг директори, профессор Комилжон Мирзаев сайланди. Касаба уюшмаси ходими Маматқул Маматқулов раис ўринбосари бўлди.

Конференцияда Фарғона вилоятининг барча шаҳар ва туманларидан ўзини амалий ишларга чоғлаган вакиллар иштирок этдилар.

Худди шундай конференция 22 июн куни Қарши шаҳрида бўлиб ўтди. Унда партиянинг Қашқадарё вилояти ҳайъати, раёсати сайланди. Қарши Давлат университети электрон-ҳисоблаш машиналари кафедраси мудири, профессор Санъат Шойқулов раис, доцент Музаффар Ражабов ва журналист Жўра Бўриев унинг ўринбосарлари бўлдилар.

МУСТАҚИЛЛИК НОНИ

Мамлакат тарихида шундай босқичлар бўладики, улар йиллар силсиласида ўзига хос жиҳати билан ажралиб, муайян халқ солномасини нурлантириб туради. Шу маънода, мустақиллик боис она Ўзбекистонимизнинг янги, нурафшон тарихи бошланди десак, муболаға бўлмас.

Ана шу янги тарихимизнинг дастлабки йиллари биз учун нимаси билан қадрли? Бу ўринда, аввало, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий давлатчилигимиз тикланганини, муқаддас қадриятларимиз ҳаётга қайтганини, мағрур дунё Ўзбекистон аталмиш жаннатий юрт борлигидан воқиф бўлганини дилда фарах билан қайд этиш, бу каби истиқлол неъматларини яна кўплаб санаш мумкин.

Лекин бугун фақат бир нарса — республикамизда ғалла мустақиллигига эришиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар хусусида тўхталсак. Зотан, кейинги тўрт-беш йил эгамен давлатимиз тарихида ғалла мустақиллигига эришиш йиллари деб аталса ҳам, ажаб эмас.

Ғалланинг Ватанимиз иқтисодиётидаги ҳаётий аҳамияти, бу борада бировга қарам бўлиш мумкин эмаслиги бугун барчамизга маълум. Зеро, нон — энг муқаддас ноз-неъматимиз, ризқ-рўзимиз.

Мамлакатимиз деҳқонлари ана шу ҳақиқатни дилга жо этиб, ўтган йили кузда 800 минг гектар суғориладиган ерга уруғ сепган эдилар. Бу йил эса 1 миллион 200 минг гектар майдонга ғалла экилади. Бу лалми ерлардан олинадиган ҳосилни ҳам қўшганда қарийб 4 миллион тонна ғалла хирмони уйиш имконини беради. Шу тариқа, иншооллоҳ, ғалла мустақиллигига эришиладиган кунларга етамиз.

Ҳозир далаларда мўл ҳосил етиштирилди. Уни бир мисқолигача нобуд қилмай йиғиб-териб олиш деҳқонларимиз олдида турган асосий вазифадир. Куни кеча Фарғона ғаллакорлари давлатга 86 минг тонна, андижонликлар эса 87 минг тонна сара дон сотиб, кўзланган дастлабки маррани эгалладилар. Бу катта-ю кичикни қувонтирди. Бошқа вилоятларда ҳам ҳосилни тезроқ саранжомлаб олиш учун барча имкониялар ишга солинмоқда. Хусусан, Наманган вилояти ғаллазорларида ҳам бу иш уюшқоқлик билан ташкил этилган.

— Биз бу йил давлатга 130 минг тонна дон сотамиз, — дейди вилоят Агросаноат уюшмаси раисининг ўринбосари Маматхон Икромов. — Бу масъулиятли вазифани адо этиш, ғалла ҳосилдорлигини юксалтириш мақсадида вилоятда зарур бўлган ҳамма иш амалга оширилмоқда. Деҳқонлар яхши билишади, ҳосил чўғи, аввало, уруғнинг сифатига, уни ернинг нечоғли суюшига боғлиқ. Шунинг учун биз вилоят ҳокимининг қарорига асосан 14 та махсус уруғчилик хўжалиги ташкил этдик. Улар барча хўжаликларни сара уруғ билан таъминламоқда. Қолаверса, ғалла етиштиришга доир барча агротехник тадбирларнинг вақтида амалга оширилиши, пахта яккаҳокимлиги ҳукм сурган даврларда ҳам ғаллачилик сирасорини унутмай келган бободеҳқонлар маслаҳатига қулоқ тутиб иш юритиш, барча ғаллазорларнинг аниқ эгаси мавжудлиги — яъни, уларни ижарачиларга бўлиб берилгани юқори ҳосил етиштиришда муҳим омил бўлаётир.

Ҳа, Наманган вилояти ғаллакорлари бугун-эрта зафар қучиш арафасида турибдилар. Шу кунларда 438 комбайнинг ҳар бири кунига 5 гектар ердаги буғдойни ўриб бермоқда. Вилоят бўйича ҳосилдорлик 41 центнер бўлиши кўзда тутилмоқда. Учқўрғон, Норин, Уйчи, Тўрақўрғон туманларида эса бу кўрсаткич қарийб 50 центнерга етади.

Ғалла ўрим-йиғими, айниқса, Мингбулоқ, Наманган, Уйчи туманларида намунали ўтказилмоқда. Комбайнчиларга, ғалла ўримида банд бўлган барча кишиларга самарали ишлашлари учун қулай шароит яратиб берилган. Уларни моддий рағбатлантириш йўлга қўйилган.

— Бу ўзимиз етиштирган буғдойдан ёпилган, — деди Мингбулоқ туманидаги «Наманган» жамоа хўжалиги раиси, республика Олий Мажлиси депутати Каримжон Иззатиллаев, қирмизи нонни дастурхонга қўяр экан. — Тотиб кўринглар, буни мустақиллик нони деса ҳам бўлади. Раис бизга яна бир ибратли воқеани гапириб берди. Хўжаликда илғор комбайнчиларни мукофотлашибди. Ғолиблар орасида қўшни Қирғизистоннинг Олабуқа туманидан келиб ўзбек биродарларига ёрдам бераётган Зуҳриддин Маллабоев ҳам бор экан. У бир беш кунликда 40 гектар ердаги ҳосилни йиғишитирб берибди. Шунинг ўзи ҳам Марказий Осиё — қадим Туркистон умумий уйимиз, бу маскада яшаётган халқларимизнинг мақсади муштарак эканидан яна бир далолат эмасми!

Она Ўзбекистон бугун нафақат пахта, балки ғалла ўлкасига ҳам айланмоқда. Бир қўшиқда айтилганидек, хирмон тўла дон тўкилмоқда. Бу эса келажакка бўлган ёруғ ишончимизга ишонч, ғуруримизга ғурур қўшади. Кейинги вақтларда, мустақиллик бизга нима берди, деган савол тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Яширишнинг ҳожати йўқ, баъзан бу савол замирида бироз истеҳзо аралаш оҳанглар ҳам сезилиб қолади. Лекин жавоб аниқ: Мустақиллик бизга миллий давлатимизни, эрк ва ҳуқуқимизни, жаҳон ичра обрўйимизни, олтину пахтамизни, нефтимизни — ҳамма-ҳаммасини берди. Шу жумладан, ўз қўлимиз билан етиштирилаётган ризқ-рўзимизни — мустақиллик нонини ҳам. Шунинг қадрига етайлик!

Аҳмад ХЎЖА (ЎзА)

ЖУРНАЛИСТЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси котибияти ўтказган «Йилнинг энг яхши журналистлик иши» учун анъанавий кўрик-конкурси якунланди. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофоти лауреати унвонига Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги халқаро ахборот таҳририяти бош муҳаррири Амирқул КАРИМ, «Ўзбекистон овози» газетасининг бўлим мудири Норқобил ЖАЛИЛ, «Халқ сўзи» газетасининг катта мухбири Расул ЖУМАЕВ, шу газета бўлим мудири Мукаррама МУРОДОВА, «Спорт» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари Асрор МЎМИН, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бўлим мудири Аҳмад ОТАБОЕВ, «Бухоро ҳақиқати» газетасининг бош муҳаррири Тошпўлат АҲМАД, журналистлар Рашид АСЛОНОВ, Искандар РАҲМОН, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг бўлим мудири Зарифа ЭРАЛИЕВА, «Бекобод ишчиси» газетасининг муҳаррири Абдураҳим БОБОНАЗАРОВ, Олтиариқ тумани «Давр овози» газетасининг муҳаррири Олимжон ҲАКИМОВ, Тўрақўрғон тумани «Машъал» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари Содиқ САЙХУН, «Бизнес Вестник Востока» газетасининг бош муҳаррири Галина ЧЕБАКОВА, «Ўзбекистон-контакт» журналининг ходими Азизахон ТЎЙЧИБОЕВА, Ўзбекистон телевидениеси ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар бош таҳририяти муҳаррири Рўзибой ҚЎЛДОШЕВ, республика радиосининг сўнгги ахборот таҳририяти шарҳловчиси Аҳмаджон БУЗРУКОВ сазовор бўлдилар.

Ҳамкасбларимизни мукофот билан чин дилдан қутлаймиз.

(ЎзА).

Давримни ўйлайман

Карим ҲАКИМ ўғли

ЎЗИНИ ТОПАЁТГАНЛАР МАМЛАКАТИ

Ватан. Халқ. Миллат. Инсон. Иймон. Тил. Тарих. Қадр...

Шукурки, юртимиз мустақил бўлди. Одамият асрлар бўйи такомиллаштириб, суяб-суяниб келган тамойиллар яна қаддини тиклай бошлади, муқаддас китоблардан зулмат йилларининг чанги артилмоқда, бурро тиллар ҳадиксиз она тилида сўзламоқда, лазиз тушунчалар асл маъносига қайтмоқда.

Ватан. Исломнинг асоси — Иймон, Иймоннинг намоёни Ватанни севмоқдир. Зеро: «Ватанни севмоқ — иймондан» деган сўз Пайғамбар лутфидир. Шўролар давлатининг ғайриодамий сиёсати нафақат элнинг молмулкини умумийлаштирди (яъни тортиб олди), нафақат инсоннинг қўл-оёғини, ҳақ-ҳуқуқини кишанлади, балким унинг қалбига ҳам тажовуз қилди — халқнинг тили, эътиқоди, ақидаларига ҳам чанг солди: Қайси тилда сўзлаш керак? («Рус тилида. Чунки бу — Ленин тили»). Марҳумни қандай кўмиш лозим? («Барабан чалиб, оркестр билан».) Қачон ухлаб, қачон уйғониш шарт? («СССР Гимни чалинганда!»). Нечта фарзанд кўриш мумкин? («Оилани планлаштириш шарт»). «Номоз ўрнига «сиёсий машғулот» ўқинглар», дейишди...

Шукурки, юртимиз мустақил бўлди.

«Ватан» сўзи шўролар тузумида сохталаштирилди. Ҳатто «катта ватан», «кичик ватан» деган иборалар ҳам бор эди. Туғилган еринг — «кичик ватан», СССР эса — «катта Ватан» (уни бош ҳарф билан ёзасан). «Ватан» тугул, «Она» ҳам иккита бўлди. Бир сўзамол: «Менинг икки онам бор», — дея шеър ҳам ёзди. Мамлакатдаги социалистик сиёсий тузум ва унинг қўрбошилари ўзларини Ватан тимсоли, халқ рамзи санай бошладилар. Совет тузуми ислоҳчиларни «ватан хоини» деб атади, халқни адо қилган мустамлакачи сиёсатга қарши чиққанлар «халқ душмани» дейилди. Афсуски, оломонни ҳам шунга ишонтирдилар. Ҳолбуки, Ватанни севмаслик ва ундаги номақбул тузумни севмаслик бошқа-бошқа нарсалардир. Ватанни севмаслик мумкин эмас. «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир», — дея ҳайқирган жувонмард Абдулҳамид Чўлпон «халқ душмани» эмас, уни отганлар аслида халқ душмани эди. Абдурауф Фитрат айтганидики: «Зулмнинг тўпи, ўқи, қалъаси бўлса, Оллоҳнинг букилмас қўли, биздан терс ўгирилмас юзи бор». У «Ватан хоини» эмас, Ватанни Фитрат каби ўғлидан айирганлар Ватан хоинларидир.

Энг ажабланарлиси, шундай бузилишлар, риёкорликлар оқибатида Ватан муҳаббатидай лазиз туйғу кулгига сабаб бўла бошлади. Ҳар куни изчил ишга келадиган, кечгача ишлайдиган ишчини, дарсларни вақтида тайёрлайдиган ўқувчини «Патриот», яъни «ватанпарвар» деб мазах қилишарди. Бир жиҳатдан бу тўғри ҳам эди: сиз ҳанчалик кўп ишласангиз, совет тузумининг умрини шунчалик чўзардингиз. Унинг қулашида раҳбарларнинг уқувсизлиги, тартибларнинг мантиқсизлиги, иқтисодининг самарасизлиги билан бир қаторда фуқароларнинг «прогул»лари, бу сохта «Ватан учун» астойдил ишламаганлари ҳам сабабдир.

Советлар Ватан туйғусини чалкаштирган бўлсалар, Иймонни оғу деб айтдилар, Она тилини «улуғ ва қудратли тил»га қурбон қилдилар. Халқларни бирлаштириб «совет халқи»га айлантирмоққа чоғландилар. Миллат ҳисси эса энг кўп таъқибга учради.

Шўро ҳукумати миллийликни буткул инкор этди. У Халқ, Ватан, Тил, Эътиқод каби тушунчаларни тамомила сохталаштирган бўлса, Миллат тушунчасидан эса бутунлай юз ўгирди, миллийликни маҳв қилди. Ва оқибатда етмиш йиллаб юракларнинг туб-тубига ҳайдалган миллий эҳтиёжлар миллий азобга эврилди, ниҳоят, миллий низоларга айланиб шўролар давлатини қулатди. Зеро, бу салтанатда энг ёмон тамға «миллатчи» тамғаси бўлди. Чоризмда ҳам, социализмда ҳам халқлар ҳамиша миллий озодлик учун тинмай курашиб келдилар. Ўтган асрдаги ва аср бошидаги «Оқ пошшо»га, мардикорчиликка қарши исёнлар, советлар давридаги жўмард йигитларнинг миллий озодлик ҳаракатлари, зиёлиларнинг тил тозалиги учун мунозаралари, «пахта иши»га қарши сўз жанглари — бари миллийликнинг ҳимоясига чоғланиш эмасмиди?

Халқлар учун миллий туйғулар энг лазиз ва оғриқли экани маълум бўлди. На моддий тенгсизлик, на руҳий эрксизлик, на эътиқод зўравонлиги миллий зулмга тенг келолмас экан. Инсон бегонани ерига киритиши мумкин, насибасини баҳам кўриши, кийимини бериши мумкин, аммо қалбига қўймас экан. Зеро, миллат туйғуси — қалбдадир. Халқнинг ички сезгиси ҳар қандай миллий зулмга эртами-кечми кескин зарба беради.

XIX асрда аксар зиёлиларда бир ҳавас пайдо бўлганди — гўё, миллий муаммоларнинг умри тугамоқда, кичик миллатлар катта-катта миллатларга сингиб кетадилар, улкан халқлар ўртасидаги тафовутлар ҳам босқичма-босқич йўқолади ва келгусида инсоният дунёвий бирликка эришади ва тил ҳам, эҳтимол, битта бўлади! Шу хаёл замирида социализм юзага келди, шоирлар ўзларини «Замин фуқароси», «Дунё фарзанди» деб ёздилар.

XX аср бу ақиданинг хомхаёллигини кўрсатди. Ўтган асрнинг елвизак ҳою-ҳаваслари бизнинг асримизда миллий низолардан садо берди. Социалистик тузум миллий туйғуларнинг қирраларидан «унумли» фойдаланди. Ҳокимиятни олиш учун миллийликни тарғиб қилди, миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини «эътироф» этди. Аммо, болшавойларнинг мақсади азалдан миллатларни йўқотиш эди: «Бир давлатнинг ичида турли миллатлар бўлиши зарарлидир, биз марксчилар, уларни яқинлаштириб, қўшиб юборишга интиламиз» (В. И. Ленин. «Миллийлик ва миллий-мустамлакачилик масаласи ҳақида», 113-бет). «Марксизм миллатчиликка муросасиздир... Марксизм ҳар қандай миллатчилик ўрнига — байналмилаллик, барча миллатларнинг олий бирликда қўшилишини олға суради» (ўша асар, 128-129-бетлар). Ленининг бундай «башорат»ларидан хавотирга тушган миллий инқилобчилар ундан қоча бошладилар. «Инқилоб ғалабаси» хавф остида қолганини, чоризм асрлар давомида қон билан қурган салтанат қулашин сезган болшавойлар халқларга, жумладан, 1917 йил 20 ноябрда Совнарком раиси Ленин ва миллатлар масаласи бўйича халқ комиссари Сталин имзоси билан мусулмонларга «Мурожаатнома» билан чиқадилар. Бу доғули ҳужжатда жумладан шундай дейилади: «Россия ва Шарқнинг меҳнаткашлари ва эзилган мусулмонлари, биз сизга мурожаат қиламиз! Россия мусулмонлари, Волгабўйи ва Қирим тоторлари, Сибир ва Туркистон қирғизларию сартлари, Кавказорти тоторлари ва туркларн, Кавказ чеченлари ва тоғликлари, Россия шоҳлари томонидан масжид ва номозгоҳлари вайрон этилган, иймон-эътиқоди ва одатлари топталган барча халқлар. Бундан бўён сизнинг одат ва эътиқодингиз, сизнинг миллий ва маъданий даргоҳларингиз эркин ва даҳлсиздир. Ўз миллий ҳаётингизни эркин ва тўсиқсиз яшанг. Сизнинг бунга ҳаққингиз бор. Сиз ўз мамлакатингизнинг эгалари бўлишингиз керак. Сиз ўз ҳаётингизни ўз ҳуқуқатворингиз, сурату сийратингизга мослаб кечиришингиз лозим» («Документы Внешней политики СССР», 1957 йил, 1-қисм, 34-35-бетлар). Чоризмда эзилган миллатлар болшавойларнинг шу ваъдаларига ишондилар, чунки «ўз мамлакатларига эга бўлиш», «ўз ҳаётини ўз ҳуқ-атворига... мослаб кечириш» уларнинг азалий орзулари эди, улар чоризм билан шу мақсадда курашиб келаётган эдилар. Халқлар Лениннинг «озодлик» ваъдасига ишониб, унга қўшилдилар ва зўраки инқилобни амалга оширдилар. «Оқ пошшо»ни қулатгач, мустақилликларини эълон қила бошладилар.

Бироқ, 1918 йилнинг аввалидаёқ Туркистон, Бошқирдистон, Татаристон, Қрим ва Кавказ халқлари ўз эркин ва даҳлсиз давлатларини барпо этишларини эълон қилганларида, Ленин уларни Қизил Армия тиғи билан яна Россия таркибига киргизди ва озод Полшага қарши уруш бошлади. Социализм «тажрибаси» хусусан шуни кўрсатдики, тоталитар ҳукмдорларга давлатни эгаллаб олиш учун миллийликни «қувватлаш» керак экан, аммо уни бошқариш учун ғайримиллий мафкура, миллий тарқоқлик «самарали» экан. Шунинг учун улар халқни эгаллашда байналмилалчиликни ёқладилар, миллийликка қарши курашдилар, миллатни йўқотиш учун эса унинг маданиятини йўқотишга киришдилар. Маданиятни йўқотиш учун эса уни иккига бўлдилар — «эски» ва «янги» маданият, «пролетар» маданияти ва «қолоқ», «диний-клерикал» маданият. Туркистонни бешга бўлганлар, унинг ичидаги халқни ҳам «бой» ва «камбағал»га, «босмачи» ва «қизил»га бўлдилар. Навоийни Яратганга «муножату» таваллоларисиз «қабул қилдилар», аммо унинг пирларини — Баҳовуддин Нақшбанду Хожа Аҳмад Яссавийларини «янги маданият» эшигидан киритмадилар.

Худди шу ўринда миллийликка доир бир кузатишни ҳам айтиш лозим. Советлар миллийлик ёрдамида Октябр инқилобини амалга ошириб, ҳокимиятга ўрнашиб олгач, миллат ғоясига қарши бўлиб ташлаш йўли билан кураша бошладилар. Аммо 1941 йилдан фашистлар билан уруш пайтида масжидларни яна очдилар, фронтда миллий тилларда газеталар чоп этдилар, халқ санъаткорларини ҳарбий қисмларга келтирдилар. Нега? Ахир, улар бу маданиятни «қолоқ» ҳисоблардилар-ку?! Маълум бўлишича, давлатни қўлга олиш пайтида ёки уруш, хавф ҳолатида миллийлик, миллат туйғуси халқни бирлаштириш, кучайтириш қудратига эга.

Душманни — фашистни енгиб олгач, яна миллийликка қарши кураш авж ола бошлади, чунки совет давлатига кучли халқ керак эмасди, фашистни енгиб, ўзида мужассам кучни сезиб қолган миллатлар совет тоталитаризми учун хавфли эди.

Шўролар миллиятга қарши шу қадар изчил курашдиларки, мустақиллик замонида ҳам ҳали-ҳануз «миллат» сўзи айримларни чўчитар эди. Озодликнинг тўртинчи йилига келиб, мана, энди номида «миллий» сўзи бор партия — Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси сиёсий майдонга чиқди. Яна бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчи эдик: айни шу пайтда — Давлатимиз асослари қўйилгач, Конституция ва қонунлар яратилгач, жаҳон ҳамжамияти танигач, — 1995 йилнинг баҳорига келиб, республика Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузаларида бутун бир бобни «Миллий хавфсизликни таъминлаш тамойиллари»га бағишладилар, бугунга келиб миллий манфаатларнинг ҳимоясига доир «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий докринаси асослари» ҳам эълон қилинди. Бу давлатона қадамларнинг Миллий тикланиш демократик партияси билан бир пайтда майдонга чиқаётганини назарга олсак, миллий давлатчилигимиз янгича сифат босқичига, етуклик поғонасига кўтарилганини кўрамиз.

Миллат инсон учун қандай маъводир? Одам ўз эли орасида туғилади, яшайди ва ўлади. Балким шунинг учундир, инсон ўзини ўраб турган халқини қандайдир табиий қабул қилади, у ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмайди. Ҳолбуки, миллат — Оламдаги энг мўъжизавий ҳодисадир, табиатнинг гўзал тилсимидир. Миллатлар қайдан ва қандай пайдо бўладилар? Қандай куч уларни асрлар бўйи қувватлаб келади? Миллий низолар, ирқий қирғинларнинг минг йиллардан сўнг ҳам одамият айнан миллат-миллат бўлиб яшаб қолди-ку?! Бу саволлар ҳақида деярли ҳеч ким ўйламади. Ўйлаганлар ҳам аниқ бир жавобда тўхтаган эмаслар.

Инсонга халқи, миллати нега керак, деган саволга ончунча жавоб берса бўлади. Миллатга даҳлдорлик Инсонни унинг Тарихига, Бугунига ва Келажагига ҳам доҳил қилади. Одам миллати сафида ўз бетакрорлиги ва салоҳиятини сезади («Ёлғиз отнинг чанги чиқмас...»), тирикликнинг юксак маъносига ета бошлайди. Табиат — инсоннинг жисмоний яшаш муҳити бўлса, миллат — ижтимоий-руҳий яшаш муҳитидир. Табиатнинг намоёни — сув, ҳаво, олов, тупроқ бўлса, миллатнинг намоёни, менинг назаримда, миллий тил, тарих, тафаккур, санъат, маданият, урф-одат, ақидалар силсиласидир. Ҳавосиз инсон бўғилади, сувсиз ташна бўлади, оловсиз музлайди, заминсиз ҳалокатга учрайди. Худди шундай тилдан, тарихдан, маданий-маънавий меросдан мосуво одам руҳан ўлади. Табиатдан айрилган инсон жисман йўқолса, миллатдан ҳоли одам руҳан ўликдир. Шунинг учун тарихдаги миллатни, миллиятни йўқотишга бўлган барча уринишлар тирикликнинг ўзига зид келди ва ҳеч қачон натижа бермади. Қириб юборилган халқлар ўрнида шаклланган янги халқлар ҳам яна миллат моҳиятида юз кўрсатавердилар. Зеро, миллатсиз халқ йўқдир. Табиатга бўлган ғайримуносабатлар экологик фожиаларга олиб келгани каби миллиятга қилинган ҳужумлар ҳам тирикликни инқирозга судрайди. Қолаверса, миллий эҳтиёжлари қондирилмаган одам ўз мамлакати тақдирига бефарқ бўлади, ўз ҳаётида маъни тополмайди, эрлар шаробу гиёҳга ружу қўядилар, аёллар туғмоқдан қочадилар, чунки миллатга, халққа боғланмаган одам учун наслни ҳам кимга, ким учун қолдириш жумбоқдир.

Миллият — одамнинг заминидаги ягона табиий яшаш тарзидир. Одам дунёда миллат вакили сифатидагина воқеъдир. Хўш, нега тоталитар давлатлар миллиятга қарши курашадилар, миллатпарварларни таъқиб-тазйиқ қиладилар? Чунки Ҳазрат Алишер Навоий айтганлар: «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам...» Ўзини топганлар кучли бўладилар. Ўзини топган халқ қудратлидир. Халқ ўзини миллиятда топади. Золим шоҳлар ўзини топганлардан, миллатни таниганлардан хавотирга тушганлар, чунки ўзини топганларни алдаб бўлмайди. Одил шоҳлар эса айнан халққа ўзини танитганлар. «Темур тузуклари»да ҳам соҳибқирон миллатлари билан фахр этган эдилар. Юртбошимиз ҳам «Келажаги буюк демократик давлат» ғоясини илгари сура туриб, ҳар гал умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигини таъкидлаб келадилар. Зеро: «Давлат мустаҳкамлиги ва қудрати унинг жаҳон жамоатчилиги олдидаги маънавий-ахлоқий қиёфаси ва нуфузи билан ҳам аниқланади. Айни шу боис халқимизнинг, миллатимизнинг маънавий жиҳатдан уйғониши мустақиллигимиз, миллий хавфсизлигимиз гаровидир» (И. А. Каримов). «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари». (Тошкент, 1995 йил, 72-бет). Миллатимизнинг маънавий уйғониши мустақиллигимизнинг, миллий хавфсизлигимизнинг кафолати экани ўзини топмоқ — элнинг ҳам топгани ҳақидаги навоийона фикрга ҳамоҳангдир.

Айни бугунга келиб, «миллий уйғониш», «миллий манфаатлар», «миллий хавфсизлик», «миллий тикланиш» иборалари сиёсий луғатимизда пайдо бўлгани, миллат ҳақида сўзлай бошлаганимиз (ўйлай бошлаганимизга эса анча бўлди, туғриоғи, ҳамиша ўйлаганмиз) мақбул бўлди. Чунки мустақиллигимиз анча мустаҳкамланди, давлатимиз асослари барпо этилди, фуқароларимизнинг миллий эҳтиросларн ҳам деярли босилди, миллий тафаккур куртаклари пайдо бўлди. Бошни эмас, «дўппини бошдан олиб» ўйлайдиган фурсат етди. Биз Тожикистон, Гуржистон, Озарбойжон, Арманистон, Чеченистон, Босния-Герцоговина каби «хўроз эрта қичқирган» посткоммунистик давлатларда айнан миллий низоларнинг қонли изини ҳам кўриб турибмиз. Ҳали эҳтирос совумай, сиёсий-ижтимоий ислоҳотлар ўтказилмай туриб, миллиятга эрк бериш шундай оқибатларга олиб келди. Бизда эса миллий уйғониш ҳаракати бугун — етарли даражада барқарор замин яратилганидан сўнг бошланди. Бу тушунарли ва хайрлидир. Қолаверса, буюк аждодларимизнинг томиримиздаги қонимн, азалий босиқлигимизни, элимизнинг донолигимн — нимадир халқимизни бугун ҳам биродаркушликдан асради. Айрим қўшниларимиз каби бир-биримизга ташланмадик, юраги катта, бағри кенг миллат эканимиз яна бир бор кўринди. Шукур. Тарих — урушлардан иборат, дейдилар. Қанча халқлар изсиз кетдилар. Модомики, менинг йиллардан буён миллатимиз яшаб қолаётган экан, демак, у яшовчан, қонида, жонида, ҳаёт истаги бор. Хотираси узун, ўйлови чуқур, буюк ва бутун миллат — ўзбеклар.

Хўш, миллий уйғонишдан, элнинг қудратидан ғанимлар қўрқиши, миллийлигимизни парчалашга уриниши тушунарли, аммо нега гоҳо оддий одамлар ҳам миллийликдан, миллатпарварликдан чўчийдилар? Бу советлар ташвиқоти асоратидангинами?

Бир нарсани аниқ тасаввур этиш лозимки, миллий низоларни миллийликни англаш эмас, миллийликни қувғин қилиш, миллий зулм келтириб чиқаради. Урушжанжаллар миллий онг туфайли эмас, аксинча, онгсизлик туфайли юз беради. Шовинизм — ўзини англашдан эмас, англай олмасликдандир. Миллийлик халқимизда ватаний, маданий, диний туйғуларда мужассам. Буюк миллатдошимиз айтганидай: «Ватаний ахлоқ севгиларимизнинг ватан доирасида кашф этилишини эътироф қилса, маданий ахлоқ севгиларимизнинг секин-аста миллат чегараларини ошиб, уммат чегарасига, уммат чегарасини ошароқ миллатлараро чегараларга ва бундан ҳам ошиб, бутун инсонийлик оламига қараб боришини ва ёйилишини орзу этар». Кўрамизки, миллийлик асло инсонийликка зид эмас, аксинча инсонийликнинг асосидир.

Халқда ҳамиша миллият, миллий ғоя яшайди. У енгилмас эканини хусусан собиқ советлар тарихи ҳам кўрсатди. Миллий онг, миллий тафаккур қатағон қилинмаслиги керак, аксинча, халқдаги миллий эҳтиросларн жаҳоний оқимга солиниши лозим. Миллий фирқа ҳам ана шундай замонавий йўлдир. Миллий йўналишдаги партия миллий эҳтиёжларни қондиради ва сиёсий майдонда инъикос этади, акс ҳолда қондирилмаган миллий талаблар миллий жунбушларга эврилиши мумкин.

Халқимизнинг миллий уйғониши — янгича даврнинг ибтидосидир. XX аср интиҳосига келиб, одамзод шуни англадики, ҳар бир миллат инсониятнинг бир қисми ва бетакрор бойлигидир, асло тараққиёт йўлига тўсиқ эмасдир. Бир одамсиз халқ — кемтик, бир миллатсиз инсоният қашшоқроқдир. Миллатни, миллийликни йўқотиш шахсни, ўзликни йўқотиш сингари фожиалидир. Оқиб бораётган сувда ҳаёт мавжуд, зеро турли тезликда ҳаракат қилаётган молекулалар бор, агар шу сувдан бир идишга олиб қўйсангиз, аввал тинади, кейин айнийди ва ўлик сувга айланади. Инсоният ҳам миллий ирмоқлар қуйилиб турадиган дарёдай ҳаракатланиб, жўшиб боради. Инсоният тириклиги миллатлар биландир. Миллий ўзликни йўқотиш шахсий ўзликни йўқотиш каби ҳалокатлидир.

Туркистон халқининг, шу жумладан, ўзбек халқининг миллий уйғониши ҳеч кимни хавотирга солмаслиги лозим.

Албатта, яқин тарихимизда мустамлака жумҳуриятлар халқи миллий зулмдан жабр чекдилар: биринчидан, миллий ҳудудлардан ерости-ерусти бойликлари, хом ашё сувтекин ташиб кетилди; иккинчидан, миллий маконлардан ерли халқлар кўчирилиб, ўрнига бошқалар кўчириб келинди, натижада демографик қурама ҳудудлар пайдо бўлди; учинчидан, миллий маданиятлар қатоғон қилинди, тарих сохталаштирилди, масжидлар бузилди, қадимий атиқа номлар ўрнига янги номлар берилди; тўртинчидан, «дин халқ учун оғу» дея эътиқод поймол этилди; бешинчидан, миллий тиллар истеъмолдан сиқиб чиқарила бошланди.

Совет тузумининг кирдикорлари учун айбни бирор-бир миллатга қўйиб бўлмайди, айб умумийдир, тавба-тазарру ҳам умумий бўлмоғи керак. Ва бугунги қийин аҳволдан барча халқлар биргалашиб, ҳамжиҳат чиқмоқлари тўғрироқдир. Миллий адоватларни кўзғаш эса мустақиллиқ, миллий уйғониш ғанимларига қўл келади. Миллий эҳтиросларн ёрдамида вазиятни беқарорлаштириш, ҳокимиятга талпиниш осон, аммо миллий онги уйғонган халқлар энди эркларини қўлдан бермаслар. Буни «оппозиционерлар» ҳам, «позиционерлар» ҳам англаб олсалар яхши бўларди.

Милий уйғониш — барча халқлар учундир.

Миллийлик ҳамма учун ҳам баробардир. Келажак миллатларнинг йўқолиши билан эмас, аҳиллиги ва ранг-баранглиги биландир.

Асрлар либосига ўранади жисмимиз



Тарих қопқасида сукунат

БИЗНИНГ ЎЗИГА

Ҳозирги замон фалсафаси инсон моҳияти, қадрияти, билиши, борлиғи каби масалаларни ҳал қилишда янгича фикрлаш, янгича услубга асосланмоқда.

Инсон ўз табиатини, ўзлигини, ўз келажагини билишга қизиқади, келажакдаги авлодларни, келажак тараққиётни тасаввур қилишни хоҳлайди, бу шунчаки орзу-истак эмас, балки инсонга хос хусусият бўлиб, фалсафий таҳлилни тақозо қилади.

Бизни нималар кутмоқда? Ҳозирги мураккаб дунёни қандай ташкил қилиш керак? Жамиятнинг ўз-ўзини ташкил этувчи, ривожланувчи жараёнини қандай қилиб олдиндан кўра билиш мумкин? Инсон фаолиятини қайси принциплар (тамойиллар) асосида бошқариш керак, давлат тизими қандай фалсафага асосланиши ва қайси йўлдан бориши керак? Инсоният қаерга кетмоқда, унинг фаолиятидаги умумийлик нимадан иборат?

Жамиятимизда шахс, раҳбарлар, фуқаролар орасида уйғунлик қандай яратилади. Шарқ-ғарб демократиясининг ўзига хос томонлари нимада? каби саволлар бугун ҳар бир инсонни қизиқтиради.

Буларнинг барчаси фалсафий муаммолар бўлиб, мустақил тараққиёт йўлимизнинг фикрий заминидир. Бу масалаларни янги фалсафий услуб, ноанъанавий фикрлаш билангина изоҳлаш мумкин.

Асримизнинг 70-йилларида фанга синергетика деган тушунча кириб келди. Бу физик, химик, биологик, иқтисодий-техник, социал жараёнлардаги ўз-ўзини ташкил қилиш, тартибсизлик (хаос) ҳодисасининг умумий тенденциясини билишга қаратилган йўналиш бўлиб, ҳозирги кунда чет эл файласуфларининг аксарияти уни ўрганишга киришди.

Қадимги фалсафа фанининг вужудга келишига асос солган, ўрта аср Шарқ фалсафаси фани ривожига имконият яратган, 17-18 аср фалсафаси фаннинг хусусий томонларини ривожлантирган, XIX аср фалсафаси диалектикани яратган бўлса, ҳозирги замон фалсафаси мураккаб жараёнларни синергетика ёрдамида изоҳламоқда.

Табиат илмидаги янгиликлар цивилизациянинг маҳсули бўлиб, фикрлаш йўналишига таъсир этмоқда.

Инженер учун ўз ишининг икир-чикирларини билиш зарур. Буни биз мутахассислик тафаккури деймиз. Умумий жамият учун, цивилизация учун тафаккурнинг умумий йўналиши характерли бўлиб, инженер тафаккурининг ана шу умумий йўналишисиз ўз муаммосини ҳал қилса ҳам, халқ қадрияти, миллат қадрияти, умуминсон қадрияти даражасига кўтара олмайди.

Турли фандаги турли фикрларни синтезлаш, фалсафий тафаккурнинг ривожланиши учунгина эмас, табиат фанларини ривожлантиришнинг ҳам, келажакда инсон наслларини давом эттиришни таъминлашнинг ҳам муҳим шартидир.

Табиатшунослик фанида шундай янгиликлар пайдо бўлдики, бу объект ва субъект, мутлақ билиш ва мутлақ ҳақиқат, моддийлик ва ғоявийлик каби тушунчаларга ўзгариш киритди. Объект билан субъект, кузатувчи билан кузатилувчи, билиш объекти билан субъекти ўртасидаги алоқадорликни янгича изоҳлай бошладики, бу эндиликда фан ва фалсафа улар ўртасидаги фарқлар, зиддиятлар тўғрисида эмас, балки уларнинг бирлиги тўғрисида фикр юритиш кераклигини тақозо этмоқда.

Демак, инсонлар ҳаётида илгари учрамаган янги жамият, янги инсон ва уларнинг муносабатлари пайдо бўла бошлаган экан, буларни бизнинг онгимизга ўта сингиб кетган диалектика қонунлари билан изоҳлаш мумкинми?

Бу саволга бирданига «йўқ» ёки «ҳа» деб жавоб бериб бўлмайди. Чунки диалектика қонунлари шу даргача тафаккурнинг тараққиёт қонуни сифатида амал қилиб келди, ҳозирги кунда ҳам айрим жабҳаларда амал қилмоқда.

Маълумки, фалсафа ҳамма вақт табиёт ва ижтимоий илм билан узвий равишда тараққий қилиб келган, шу боис диалектиканинг қонун ва категориялари XIX асрнинг 30-40-йилларида табиёт ва ижтимоий тараққиётнинг фалсафий синтези сифатида пайдо бўлди ва тараққиётнинг ана шу давр даражасини фалсафий таҳлил қилиш учун жуда мос келди, ҳозирги кунда ҳам ана шундай муносабатларни таҳлил қилишда улардан фойдаланиш мумкин. Аммо ҳозирги кунда физика, математика, химия, биология каби асосий (фундаментал) фанларда жуда катта янгиликлар юз бераяптики, буларни таҳлил қилиш учун биргина диалектиканинг принцип ва қонунлари ожизлик қилмоқда. Шунинг учун диалектиканинг қонун ва категорияларига икки нуқтаи назардан ўзгариш киритиш лозим деб ҳисоблаймиз: 1) диалектика қонун ва категорияларини қайта таҳлил қилиш: 2) ҳозирги замон фани, маданияти заминида пайдо бўлган янги фалсафий тамойиллар, категориялар, қарашларни ҳаётга тадбиқ этишда диалектика ягона, бирдан бир усул эмаслигини тан олиш.

Ҳозирги замон эволюциясининг универсал қонунларини очишда, унинг мураккаб жараёнларини, ўз-ўзини бошқариш қонунларини, табиат эволюциясининг мувозанатисиз тизимининг (бу ерда экологик мувозанатсизлик кўзда тутилмоқда) универсал қонунларини топишда диалектика эмас, балки синергетика кўпроқ ҳал қилувчи ахамиятга эга бўлмоқда.

Бу тушунча тараққиётда хаос-ўзбошимчалик, тартибсизлик, беқарорлик, бўлиниш, ажралиб чиқиш, фазовий ўтиш, секин-аста четга чиқиш, ўз-ўзича, ихтиёрий ўтишдаги янги ҳолат, ички тузилишнинг ўзаро биргаликда шаклланиши каби масалаларнинг фалсафий таҳлилини беради. Энг асосийси ўз-ўзини ташкил қилиш, бошқариш, шаклланишнинг ўзига хос томонларини кўрсатади. Демак, жамиятни сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий бошқаришга синергетикани тадбиқ этар эканмиз, И. Каримовнинг мустақил давлатимиз тараққиёти эволюцион йўлдан боради, деган фикри ҳозирги даврдаги ижтимоий фикрлашга мос бўлибгина қолмай балки тараққиётнинг универсал қонунига ҳам мувофиқ эканини тан олишимиз керак. Бу эса усул аҳамиятига эга бўлган таълимотдир.

Ҳозирги замон фалсафаси ва фанидаги тараққиёт назарияси ривожланишнинг бир чизиқлик асосидагина бормаслигини кўрсатди. Биз тараққиёт, пастдан юқорига, оддийдан мураккабга қараб боради, деб ўргатган диалектик таълимотни жамият тараққиётига тадбиқ этиб, тараққиётни бир йўналишда, яъни бошланғичдан қулчиликка, қулчиликдан феодализмга, ундан капитализмга, социализмга борадиган зарурий қонуният сифатида қарадик. Тўғри, бу таълимот ҳам қуруқ гап эмас, балки жамиятнинг бир йўналишда боришини ҳисобга олган холос, жамият тўғри чизиқ асосида ривожланади, деган гапнинг ўзи эди.

Жўрақори Бўтакўз 1926 йил Андижон вилоятининг Дардоқ қишлоғида туғилган. Отаси қулоқ қилингач, 1934 йил онаси Турғуннисо опа ва синглиси Ханифа билан Афғонистонда яшайди. Кобулдаги Дорулхуффоз (қорилар мактаби)ни битиради. 1950 йил Покистонда диний ва дунёвий илмини кенгайтиради. У даврда чет элда яшаётган ўзбекларнинг тилини, урф-одатларини сақлаб қолиш жуда муҳим муаммолардан бири эди. Шу боис Қори ака 1958 йил Истанбулдаги меҳмонхонасини сотиб, пулига «Ўтган кунлар» рўмонини араб алифбосида чоп эттиради ва бутун дунёдаги муҳожир ўзбекларга бепул тарқатади.

Жўрақори ака бу билангина чекланиб қолмайди. Ўзи Ватандан йироқ бўлишига қарамай юрт ҳақида, унинг истиқболи ҳақида тинимсиз қайғуради. Бир қанча публицистик чиқишлар, мақолалар, суҳбатлар қилади.

Жўрақори Бўтакўз ҳозир мустақил республикамизда яшайди: оиласи ° учта фарзанди бор. Мустақиллик қуёшидан бошқа Ватандошларимиз қатори баҳра олмоқдалар.

ОРЗУЛАР УШАЛУР

Ўзбекистоннинг асорат занжирини улоқтириб, ҳеч қанча фурсат ўтмай кўп партиявийлик ҳаётга қадам қўйиши улкан сиёсий ҳодисадир. Чунки кўп партиявийлик мамлакатнинг савияси юқори даражада ривожланганидан, шунга яраша сиёсий тафаккурнинг пишиб етилганидан далолат. Айрим мамлакатлар бизнинг республикамиз эришган ушбу нуфузга уч юз-тўрт юз йиллаб заҳмат чекиб, қурбонликлар бериб етиб келадилар, шунда ҳам насиб этса, бундайин мавқега эга бўладилар, уддасидан чиқолмасалар, барча ҳаракатлари зое кетиб, боп-боягидек ҳолда келаверадилар. Шу боисдан кўп бошқа жумҳурият ва мамлакатлар бундайин шону шавкатни, истиқлолни ҳавас қилмоқдалар. Ўзбек халқи ҳам дунёдаги инсонсевар халқлар билан баббаравар алоқа ўрнатиб, тенг юриб, инсон келажаги учун қайғурмоқда экан, албатта, ўша миллатларга муяссар бўлган ажойиб сиёсий неъматлардан баҳра олмоқда. Шунинг учун ўзбек халқи дунёдаги ютуқлардан ўз насибасини тез-роқ олишини, қаддини янада кўтариб аждодларимиз бўйлатган обрў-эътиборни қайта тиклашни истаймиз.

Узоқни кўра биладиган Президентимиз Ислом Каримов ўзбек халқининг сиёсий ҳаётида кўппартиявийликни ёқлаб чиқмоқдалар. Бу албатта, республикамиз учун улкан тарихий қадам. Ҳурматли Президентимиз марҳамат қилиб, кимда қанақа фикр бўлса, эшитишга тайёрмиз, дея ўзбек демократиясидан хушхабар берган эдилар. Ана шу сиёсий соғлом ҳаво натижасида бугун биздан уч юз йиллар илгарилаб кетган мамлакатлар қаторида турибмиз. Жаҳон халқлари бундай ютуғимизни кўриб, ўзбек элида сиёсий истиқлол борлигига шоҳид бўлиб турибдилар. Шунинг учун ўзбек улусининг сиёсий раҳбарларига раҳматлар айтгим, жасоратига ва донишмандлигига таъзимлар қилгим келади.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ташкил топиши юқоридаги сиёсий барқарорликнинг ёрқин намуналаридан бири десак, асло янглишмаган бўламиз. Бундай олижаноб сиёсий ташаббус кўрсатган биродарларга минг бора раҳмат. Партия дастурида кўп яхши сўзлар бор: Ўзбек халқининг асрий орзулари бирин-бирин ўз аксини топибдур ва муносиб услубда ифодаланибдур. Бунинг учун такрор бўлса ҳам айтайин: партиянинг қурилишида бошқош бўлган, хизмати синган ватандошларим ҳамиша омон юришсин. Ўз халқига шундай гўзал имкониятлар яратиб бергани учун Ислом Каримовга узун умрлар, сиҳат-саломатлик тилайман. Ҳамда партиянинг раиси, яқинда юқори олимлик савиясига мушарраф бўлган ҳурматли Азизхон Қаюмовга ҳам муваффақиятлар изҳор этаман.

Миллий тикланиш партияси халқимизнинг янада юксалиб камол топишида ўз хизматини ўтайверсин, истиқлолимиз туғини баландроқ кўтариб нусратли хилпираётганини атрофга намойиш этаверсин. Миллий тикланиш бу — миллий истиқлолимизнинг асосий таянчларидан биридир.

Жўрақори Бўтакўз

ЁВГА ЧАНГАЛ СОЛГАН ПИР

Шайх Нажмиддин Кубро тўғрисидаги рисола

Қўлёзмалар институти фондидаги 6119 рақамли қўлёзма Шайх Нажмиддин Кубро тўғрисидаги ҳикоядан иборат. Бу тўғрида сўз очмасдан бурун Шайх Нажмиддин Кубро ким ва нега бу зот фаолиятига диққат қилмоқдамиз, деган саволга жавоб бермоқлик лозим.

Шайх Нажмиддин Кубро тўғрисидаги маълумот Навоийнинг «Насоимул муҳаббат» китобида келади. Навоий у маълумотни Жомийнинг «Нафоҳат ул-унс» асаридан олган.

Шайхнинг оти Аҳмад ибн Умар Хевақий, лақаби Кубро, кунияти Абулжаннобдир. У 540(1145-1146) Хоразмнинг Хева шаҳрида туғилган. Йигитлик чоғида хорижда илмлар ўрганар экан, ким билан мунозара қилса, уни ютиб чиқар эди. Шу сабабли уни Кубро (энг улуғ) деб атаганлар. Хоразмга қайтиб, бу ерда кўплаб шогирдларни тарбия қилади, ўзининг «Кубровийа» тариқатини яратади. Бу тариқатда биринчи ўринни Тавба эгаллайди, яъни солих ножўя ишларидан тавба қилиб такомилга интилмоғи керак. Зуҳд фид дунё — ортиқча молу мулк, дунё неъматларидан воз кечмоғи керак. Таваккал — яратувчига ишонч билан иш тутмоқ, қаноат — сабр-тоқатли бўлмоқ, борига қаноат билан яшамоқ, узлат — ўзи ёлғиз бўлиб покланув ва чиниқишга интилмоқ, зикри самоъ-таважжуҳ, сабр муроқаба (тубанликлардан сақланиш, ризо) Маърифат ва қаноат касб этмоқ) ҳам бу тариқат қоидаларига хосдир.

Шайх Нажмиддин Кубро ҳаётининг охирги вақти тўғрисида Навоий бундай деб ёзади:

«Чун тотор куффори Хоразмга етибтурлар. Ҳазрати шайх асҳобини йиғиб амр қилибтурларки, вилоятларингизга боринг. Алар ул ҳазратнинг амри била ўз вилоятларига борибтурлар. Асҳобдин баъзиким, ҳазрати шайхқа доғи чиқар илтимос қилибтурлар. Шайх дебтурларки, биз бу куффор илкида шаҳид бўлурбиз. Асҳоб тарқағондан сўнграким, куффор Хоразмга кирибтурлар. Ҳазрати шайх қолган асҳоб била чиқиб ғазова машғул бўлубтурлар, то шаҳодат шарбатин топибдур. Дерларки, шаҳодат вақтида бир кофирнинг парчамин (кокилини) тутқон эрмишлар. Андоқки шаҳодатдан сўнгра ўн киши айира олмайдур ва ул парчамни кесиб айирдилар».

Навоийнинг ёзишича, Жалолиддин Румийнинг қуйидаги мисраларида ана шу воқеага ишора бор:

Ба яке даст мани холиси имон нўшанд
Ба яке дасти дигар парчами кофир гиранд.

Яъни: Бир қўли билан холис иймон майини ичадилар. Бошқа бир қўли билан кофирнинг байроғидан тутадилар.

Шайх Нажмиддин Кубронинг вафоти тарихи «Шоҳи шуҳадо»дир. Бу жумла 616/1219 йилни билдиради.

Е. Э. Бертелснинг «Суфизм и суфийская литература» китобида Нажмиддин Кубро ҳақида мақоласи бор. Унда ана шу сарлавҳали асарнинг мундарижаси қисқана баён этилган. Е. Э. Бертелснинг ёзишича, Россия Фанлар академиясининг Осиё музейида (С.-Петербургдаги Шарқшунослик институтининг бўлими (217/А 708) рақамли қўлёзма бор. Унинг сарлавҳаси: «Шайх Нажмиддин Куброни шаҳид қилиб шаҳри Хоразмни хароб қилгонининг баёни». Е. Э. Бертелс ёзадики, бу ўзига хос тарихий роман Шайхнинг тақдирини Хоразм тарихи билан боғлайди. Шайхни Хоразмнинг ҳимоячиси ва ҳомийси этиб тасвирлайди. Мақолада ўша қўлёзманинг таърифи ҳам берилган. Бу маноқиб: «Аммо ровийлар андоғ ривоят қиладурларким, Хоразм маъдани уламо ва шарифи фузало турур», деган сўзлар билан бошланиб, Чингизхоннинг ўғли Угедейхоннинг ўлими билан тугайди. Тахтга Амир Темур чиқади.

Биз хабар қилмоқчи бўлган қўлёзма (ҚИ № 6119) қалин Ўрта Осиё қоғозига қора сиёҳ билан ёзилган. Хати нохуш настаълик, тез ёзилган. Ўзбек тилида. Айрим сўзлари ўзига хос шаклда берилган: теди-деди, фир-пир, олунлар-олинглар, қилундар-қилинглар ва ҳ. к, муковаси чармдан. Анча уринган китоб.

Илмий текшириш асосида маълум бўлдики, бу Шайх Нажмиддин Кубро ҳаёти ва фаолиятига доир рисоладир. Шунинг учун унинг таърифида «Нажмиддин Куброга оид ҳикоят» деб ёздик. Бу қўлёзма 62-63 варақлар орасида озгина узилиш бор. 62б варақда самарқандлик бир кишининг чўлга чиқиб ўтин йиғаётган вақтида бир ўликни кўриб ваҳимага тушгани тўғрисида сўз боради. 63а варақда эса Хоразм халқининг ниҳоят Чингиз қўшини зулмидан қутулиб, шоду ҳуррам яшай бошлагани билан ҳикоя тугалланади. Китоб қуйидаги жумла билан якунланган: «Алфақирул ҳақир Муҳаммад Собир хода валади Нурмуҳаммад хожа умиди дуо қилиб яхшилардин илтижо ёд қилғай дамодам ва эшитса жону дил бирла ҳар одам»...

Биз ушбу (ҚИ 6119) қўлёзманинг мундарижасини Е. Э. Бертелс конспектини тузган С. Петербург (217/А708) қўлёзманинг мундарижаси билан солиштириб чиқдик. Ҳар иккала қўлёзмадаги асарнинг мундарижаси бир-бирига тўғри келади. ҚИ <186> 6119 ҳам юқорида келтирилган «Аммо ровийлар андоғ ривоят қиладурларким, Хоразм маъдани уламо ва шариф фузало турур» жумласи билан бошланади. Шундан сўнг Аҳмад ибн Умар Хивақийнинг бир неча пирлар билан мулоқотда бўлиб кўнгли тўлмагани айтилади. Ниҳоят Аҳмад Бағдодда Шайх Иброҳим қўлида таълим олади. У Аҳмад Нажмиддин лақабини қўйди. Сўнг Бистомда шайх Исмоилда одоб дарсини ўтди. Шайх Исмоил унга Кубро деб лақаб қўйди. Нажмиддин Кубро билимда шунчалар камол касб этдики, Шайх Исмоил уни Бағдодга устози шайх Иброҳим ҳузурига йўллар экан, фахр билан дейди: «Бизга мис юборган эдилар, уни олтинга айлантириб қайтармоқдамиз». Мисрда Рузбехон ҳузурида ҳам таълим олгач, Нажмиддин Кубро Бағдодга Шайх Иброҳим ҳузурига келди. Сўнг устоз топшириғига биноан Хоразмга қайтиб келиб у ерда ўрнашди ва ўз силсиласини тузди. Китобда Шайх Нажмиддин Кубронинг фаолиятига оид кўпгина лавҳалар келтирилган. Шунингдек, қўлёзмада Чингизхон бошчилигидаги мўғул (қалмоқ) қўшининнинг Тошкент, Қошғар, Самарқанд, Бухоро, Хоразмга қилган юришлари, Чингизхоннинг ўғиллари Ҳулагу ва Удегейларнинг бу юришлардаги иштироки, Хоразм шоҳи Султон Муҳаммаднинг сиёсий ва ҳарбий фаолияти ҳам баён этилади.

Хоразмга мўғул (қалмоқ) лашкари ҳужум қилиб келганида Шайх Нажмиддин Кубро бу ўлканинг ҳимоячилари сафида эди. Шайх бу ерда экан, Хоразмни эгаллаб бўлмаслигини қалмоқлар тушунадилар. Шунинг учун улар Шайхга ўз яқинлари билан хоҳлаган томонга эркин чиқиб кетмоқни таклиф қилдилар. Шайх Нажмиддин Кубро бу таклифни рад қилади. У «Фароғатлиқда шаҳар халқи бирла бўлиб мундоғ кунда айрилмасмен» дейди. Шайх Нажмиддин Куброни шаҳар ташқарисида эканида Ҳулагухоннинг ўғли Ёлғизхон ўлдиради. Шайх ўлими олдидан қотилнинг кокилига чанг солган эдики, ўлгандан сўнг ҳам қўйиб юбормаган. Бу воқеа ҳикояда диний талқинлар орқали тасвир этилган.

Е. Э. Бертелс С-Петербургдаги Нажмиддин Кубро романи қўлёзмасини ўрганар экан, уни «яккаю ягона нусха бўлса керак» деб ҳисоблаган эди. Энди маълум бўлдики, бу асарнинг яна бир бошқа қўлёзма нусхаси ЎзФА Қўлёзмалар институтида ҳам бор экан (ҚИ <186> 6119). Ҳар иккала қўлёзманинг ўзбек тилида ёзилганлиги, унинг филологик хусусиятлари бу асарнинг ўзбек адабиёти маҳсули эканлигидан дарак беради. Галдаги вазифа устоз Е. Э. Бертелс бошлаган ишни давом эттирмоқ, бу қўлёзмаларнинг матний ва адабий таҳлилини амалга оширмоқдан иборатдир.

Азиз ҚАЮМОВ

ХОС ЙЎЛИМИЗ

Ҳозирги замон фалсафаси ва фанидаги тараққиёт назарияси ривожланишнинг бир чизиқлик асосидагина бормаслигини кўрсатди. Биз тараққиёт, пастдан юқорига, оддийдан мураккабга қараб боради, деб ўргатган диалектик таълимотни жамият тараққиётига тадбиқ этиб, тараққиётни бир йўналишда, яъни бошланғичдан қулчиликка, қулчиликдан феодализмга, ундан капитализмга, социализмга борадиган зарурий қонуният сифатида қарадик. Тўғри, бу таълимот ҳам қуруқ гап эмас, балки жамиятнинг бир йўналишда боришини ҳисобга олган холос, жамият тўғри чизиқ асосида ривожланади, деган гапнинг ўзи эди.

Ҳозирги замондаги фалсафий тафаккур тўғри, бир чизиқлилик билан бирга кўпчизиқлилик, чизиқсизлик принципига ҳам асосланади. Бу дегани, тараққиёт пастдан юқорига, оддийдан мураккбага муқаррар битта йўлдан, олдиндан белгилаб қўйилган йўлдан бормай, балки ҳар бир ҳодисанинг ички хусусиятида, ташқи алоқадорлигидан келиб чиқиб боришини, бу йўл илгари учрамаган янги йўлдан иборат бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Ажралиб чиқиш категориясини олиб кўрайлик. Бу ҳодиса фақат жамиятдагина эмас, балки табиат ҳодисаларида ҳам юз беради. Масалан, катта бир дарёдан ирмоқ ажралиб чиқса, у ўз йўлидан кетади (илгариги дарёнинг йўлидан эмас), мустақил дарё бўлиб, ўзини-ўзи ташкил этади, ҳамда денгиз ва уммонларга ўз йўли орқали қўшилади. Мана шунинг учун Президентимиз мустақиллик эълон қилинган кундан бошлаб «Бизнинг ўз тараққиёт йўлимиз бор» деб бежиз айтмаган. Шуни таъкидлаш керакки, бизнинг ўз йўлимиз жаҳон тараққиёт йўлига зид бўлмай, балки ўзимизнинг макон, замонимиз, анъанамизни, қадриятларимиз ва ахлоқимизни, дину диёнатимизни ҳисобга олган йўлдир. Бу йўл моддийлик билан маънавиятнинг мутаносиб ривожлантириш йўлидир. (Ижтимоий борлиқ бирламчи, ижтимоий онг иккиламчи деган йўл ҳам эмас, албатта).

Чизиқсизлик тафаккури эркин фикрлашни ҳам янгича таҳлил қилишни тақозо қилади. «Эркинлик анг-лаб олинган зарурият» деган қоида эркинликнинг ҳамма томонларини қамраб ола олмайди. Бу қоида инсон қонуният асосидагина фикр юритади, деган хулосага олиб келади. Бу фикрнинг тўғри томони бор, албатта, чунончи, инсон фикрлаши тартибсиз эмас, у хоҳлаган нарсасини ҳамма вақт ҳам қила бермайди. Бироқ эркинлик маълум қоида, андозалардан чиқиб кетиш эркинлигини ҳам ўз ичига олади, акс ҳолда ҳеч қандай ижодий фикрлашнинг бўлиши мумкин эмас. Эркинликнинг янгича, ночизиқлик тафаккурий асосидаги таҳлили шундан иборатки, бир ҳодиса тўғрисида бир-бирига ўхшамаган бир неча фикрлар айтиш мумкин. Бироқ бу фикрларнинг ҳаммаси ҳам ўша ҳодисанинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Демак, турлича фикрлар тараққиётнинг турли томонларини ифодалаган бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда жумҳуриятимизда пайдо бўлаётган турли сиёсий партиялар фаолияти тўғрисида гапирганда ҳам худди шу жиҳатидан караш керак. Гап шундаки, сиёсий партиялар дастурлари, режалари бир-биридан фарқ қилади, албатта. Бироқ бу режалар жумҳуриятимиз истиқлолига зид бўлмай, бир тараққиёт жараёнининг турли вариантларини ифодалайди. Қайси партия дастурида, фаолиятида энг мақбул, оммага ёқадиган, жамиятимиз равнақига кўпроқ хизмат қиладиган, унинг тараққиётини жадаллаштирадиган вариантлар бўлса, сайловларда муваффақият қозонади ва Олий Мажлис ўша вариантга мувофиқ қонунлар қабул қилади. Шундан келиб чиқиб, фикр эркинлигини фикрлар қарама-қаршилиги деб тушунишни бир томонлама қараш деб ҳисоблаймиз. Фикр эркинлигига тараққиётнинг турли вариантлари ўртасидаги ҳамкорлик деб қараш керак. Бу жиҳатдан ҳам республикамизда олиб борилаётган ўзаро ҳамжиҳатлик сиёсати янги фикрлаш услуби эканлигини таъкидлаш лозим.

Тараққиётнинг манбаи ички зиддиятдир деган таълимот ҳамма вақт ва ҳамма жойда амал қилавермайди. Ҳар қандай янги тузилиш (структура) қайси даражада бўлмасин (физикавий, биологик, химик, ижтимоий жараёнлар бўлса ҳам) бари бир тузилишнинг элементлари ҳамкорликда фаолият қилсагина, у мукаммаллашади, шаклланади. Демак, турли фикрлар, манфаатлар, қарашлар, партиялар, гуруҳлар, табақалар, мулклар, ҳатто турли динлар ўртасидаги ҳамкорлик янги жамият қуришимизнинг тамойилидир.

Инсон фаолияти турлича бўлиб, унда бузиш, йўқ қилиш, ўлдириш, яксон қилиш, зўрлаш фаолияти ҳам, яратиш, ижод, яхшилик фаолияти ҳам мавжуд.

Аммо йўқ қилиш, ўлдириш, зўрлаш жамият тараққиётини таъминлайолмайди. Психологларнинг айтишича, бундай инстинкт ҳайвонот оламининг қолдиғи. Бундай инстинкт инсон ҳаётининг мувозанатини таъминлайолмайди. Инсон мувозанати шундан иборатки, унинг борлиғининг моҳияти дунёни тузишга яратилганлигидир. Бу жараёндаги билим инсоннинг табиатини ва унинг мантиқий тараққиётини ўрганишдан келиб чиқади. Бу билимларнинг мустаҳкамланиши ва шаклланиши инсоний (гуманитар) фикрлаш асосида боради.

Инсоният тараққиётида турлича фикрлар ҳукмрон бўлган ва бу фикрлар у ёки бу ҳодисанинг жамиятдаги аҳамияти нуқтаи назаридан келиб чиқиб, асрларга тақ-қослаб номланган. Жумладан, инсоният бир вақтлар темир асрни, электр асрини бошидан кечирган, ҳозирги қунда биотехнология, компютерлаш асри, космос асрини бошидан кечирмоқда, деб айтмоқдамиз. Олимларнинг фикрича, XXI аср инсонийлик асридир. Бунда инсоннинг бутун моҳияти намоён бўлиши учун кенг имкониятлар яратилади. Инсонлар шу вақтгача ўта худбин, ўта тажовузкор, ёвуз ниятларини амалга ошириб келган бўлсалар, келажак аср ана шу ноҳуш ҳодисалардан қутулиш асри бўлади, одамлардаги ижобий хислатлар никенг намоён қилиш даври бўлади, деб башорат қилмоқдалар.

Давримизнинг давлат тизими ҳам, сиёсатнинг моҳияти ҳам, демократик тамойиллар ҳам инсонийлик билан белгиланади.

Мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик сиёсатининг моҳияти ҳам ана шу инсонийликдан (инсон борлиғи, ҳаёти, яшаши, иқтисоди) келиб чиқади. Инсон фаолиятини такомиллаштиришнинг йўналиши ҳам яратувчилик асосида янги жамият барпо этишга қаратилган.

Бу масалаларни амалга оширишда янгича дунёқарашга, янги фалсафий тафаккурнинг шаклланишига катта эътибор беришимиз керак. Бу эса табиий, техник ва ижтимоий ишлардаги фикрларни синтезлаш бутун ижтимоий гуманитар фанларнинг ўзаро ҳамкорлиги, маънавиятнинг турли соҳаларини уйғунлаштириш асосида бўлади.

Албатта, янгича фикрлаш, мураккаб ҳодисаларни ижодий ҳал қилиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди, худди шунингдек, янгича фалсафий, бадиий, сиёсий ижод ҳам ҳаммага насиб бўлавермайди ва ҳамма ҳам уни тушунавермайди. Фалсафа ўқитувчиларининг вазифаси ана шу янги назарияларни, қарашларни оммага етказиш тушунчаларнинг замонавий таҳлилини беришдан иборат.

Ҳар қандай илмий жараён инсон ақли, фикри қўшилганлиги учун инсонлашган жарёндир. Инсон ўз навбатида шу билиш жараёнининг ажралмас, бир бутун томонидир.

Шу билан бирга инсон маънавиятисиз ҳеч қандай жараён юз бермаслиги ҳам ҳақиқатдир.

«Юксак маънавият — келажак пойдевори» эканлиги ҳақидаги Президентимиз ғояси янги фалсафий тафаккурнинг йўл-йўриғигина бўлиб қолмай, балки жамиятимизни инсонийлаштириш, инсонпарвар жамият қуришнинг ҳам фалсафий асосидир.

Жумҳуриятимизда янги иқтисодий ислоҳотлар ўтказишни амалга оширар эканмиз, демократияни ривожлантирар эканмиз, бозор-бозор учун эмас, бозор инсон учун, ислоҳотлар ҳам ислоҳот учун эмас, балки инсон учун деган Президентимиз тамойилига асосланишимиз керак.

Худди шунингдек, демократия тўғрисида гапирганда, инсон олий қадриятнинг намоён этилиши эканлигини унутмаслик керак. Айрим кишилар демократик давлат деганда бошқа давлатларни намуна қилиб кўрсатадилар. Бизнинг тамойилимиз миллат ҳаётини ҳимоя қила олмаган демократиядан намуна ололмайди, деган қарашга асосланади, Чунки демократик принципларда ҳам ўз йўлимиз бор: Бу йўл шарқона ахлоқ, эътиқод, ишонч, тарбия ва фалсафани ҳисобга олган, инсон маънавиятининг юксак чўққиси бўлган инсонпарварликка асосланади.

Иномжон РАҲИМОВ,
ТошДУ фалсафа кафедраси мудири, профессор

ЭЛ КЎЗИ — ТАРОЗИ

Туркман халқ мақоллари

Оғзи бирнинг оши бир.

•

Одам боласи — элнинг лоласи.

•

Балиқ сувсиз ўнгмас, йигит — элсиз.

•

Болаликда чекилган дард — енгил.

•

Бирлашган куч тоғни талқон этар.

•

Кенгашли ерда тенглик бор, кенгашсиз ерда — камлик.

•

Кўкка боқма, кўпга боқ.

•

Қурбақа ҳам «Юрт меники, юрт меники», деб қуриллайди.

•

Бўри кўрган итнинг оғзи бир бўлар.

•

Тоғдан орқаси бўлганнинг тошданюраги бўлар.

•

Тегма кўпга — дўнарсан чўпга.

•

Зиёнсиз қоранинг кўпи яхши.

•

Эл билан кесилган бармоқ оғримас.

•

Эл кўзи — тарози.

•

Эл кучи — сел кучи.

•

Элдан чиқса, ит ҳам йиғлар.

•

Элим- куним бўлмаса, ойим-куним туғмасин.

•

Кўп кийик бир оқсоғини билдирмас.

•

Кўпчилик — тўқчилик.

•

Халқ пуфласа, шамол турар.

•

Халтадаги ўртада.

•

Ҳар ким элига, ўрдак — кўлига.

•

Чўп бўл — кўп бўл.

Туркман тилидан Маҳмуд САЪДИЙ таржимаси

Асрлар либосига ўранади жисмимиз



Ҳаё — иккинчи жамол экан...

ҚАШҚАДАРЁДА КИРАКАШНИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД

Йил бошидан буён Қашқадарё вилоятининг туман ва шаҳар марказларидан қишлоқ ва туманларга ёхуд вилоят марказидан турли йўналишлар бўйича қатнаётган 60 га яқин автобус қатнови тўхтатилди. Нега?

— Бунинг сабаби, биринчидан, йўл ҳақи бироз қимматлашиб, йўловчи камайганида бўлса, иккинчидан, кира ишлайдиган машиналар кўпайиб кетди, — дейишди бизга тармоқ мутасаддилари. — Натижада ўзини қопламаган йўналишлар ёпиляпти.

Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик. Кира ишлаб юрган шахсий ёки ижарадаги машиналар йўловчига давлат автобуси баҳосидан арзонроқ хизматни таклиф қиляпти ва фойда кўряпти. Шундай бўлгач, йўловчи арзонроқ ва қулайроқ шахсий автомобилларда кетишни афзал кўради, албатта. Фалон йўналиш ўзини қопламаяпти, деган гаплар эса ўз ишини ислоҳ қилишни истамаётган раҳбарларнинг баҳонаси холос. Нега атиги 4 нафар йўловчи оладиган енгил машина ўзини қоплайди-ю, 30-40 йўловчига мўлжалланган автобус йўл харажатини кўтармайди? Бозор иқтисодининг оддий бир қонуни бор: Агар харидор ҳузурингизга келмаса, сиз унинг олдига боринг. Шунга кўра, автомобиль транспорти Қашқадарё вилоят бирлашмаси раҳбарлари ҳам ишни қайта ташкил этиши лозим. Нега автостанцияларда соат 17 дан сўнг бирорта автобус кўринмайди? Балки йўловчи эрталабки ва кечки салқинда йўлга чиқишни истар. Эҳтимол, йўлкирани бироз пасайтириш зарурдир. Бозорда. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, бутун-бутун автокорхоналар ҳайдовчи ва хизматчилари ишсиз қолиши ҳеч гап эмас.

А. ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири

Иймон ҳаловати

ИШҚИ МАЖОЗИЙМИ ЁКИ ИШҚИ ИЛОҲИЙ?

«Ўтган кунлар» ва «Мехробдан чаён»да муҳаббат савдоси

«1264 инчи ҳижрия, далв ойининг 17 нчиси, қиш кунларининг бири, қуёш ботқан, теваракда шом азони эшитиладир...»

Асримиз бошларида ўзбек насрининг донгини, тўғрироғи, ўзбек халқининг маърифатини оламга овоза қилган Абдулла Қодирий (Жулқунбой)нинг «Ўтган кунлар» рўмони ана шу сатрлар билан бошланади. Сана, қиш, қуёшнинг ботуви, шом азони... бир қараганда булар рўмоннинг асосий матнига алоқасиздай туюлса-да, қаламга олинган давр таржимаи ҳолининг хулосасига ўхшайди. Тўрт нарсанинг бир-бирини тўлдирган ҳолда қайд этилиши жамиятнинг таназзулга юз тутиб, тубанлашиб барбод бўлаётганига, мафкура издан чиқиб, бир сиқим одамларгагина хизмат қилаётганига ёрқин далолат. Негаки, ўлкамизнинг чор русияси томонидан истило қилиниши арафасида, қишда, қуёш ботқанда, шом азонининг эшитилмаги бекор эмас. Ахир азон, шом азони — ёруғликнинг қоронғуликка айланаётганидан огоҳ этиш, кишиларни нафс қутқусидан, ғафлат зулмидан ҳушёр тортиб, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло билан рўбарў туришга чорлаш. Бу азон-мўъминларнинг қулоғини бир лаҳза ҳам тарк этмай жаранглаб турадиган, умр «шом»ини хотирга тинимсиз муҳрлайдиган азон. Инқирозга маҳкум жамиятнинг «шом»и бошланганидан ҳожалари бехабар, лоқайдликлари туфайли азонни эшитмайдилар ёки эшитсалар-да қулоқлари ёлғончи дунёнинг ўткинчи, ҳузурбахш наволарига андармон. Бу шубҳасиз, шариат пешволарининг илмига амал қилмаганларидан, ўтмиш хону бекларнинг манманлик балосига гирифтор бўлиб, ўз ғояларига ўзлари нописанд қараганларидандир.

Муаллиф юқорида ўкинч ва алам тиллақошини ишқ достонининг ярқироқ манглайига тақар экан, буни бежиз эмаслигини Отабек тилидан келтирилган («Дарҳақиқат мозористонда «ҳаййа алал-фалаҳ» хитобини ким эшитар эди») парча орқали тўлароқ асослайди.

Устоз, тарихимизнинг «Энг кирлик», «қора кунлари»дан, шом азонининг қадр-қимматига етмайдиган ҳолга тушган хон замонидан, «ҳаййа алал-фалаҳ» хитобини этишмайдиган «мозористон»дан ложувард бир дурни, ҳадди ҳудудини унутган сурурни, ишқ дардига мубтало бир дилни кафтига олиб, чанг чунгларини пуфлаб тозалаб, юқори кўтарди, ошиқлик мақомотини намойиш этиб, мўъминларга кўз-кўз қилди. Уларнинг қалб кўзларини очишга, иймонда собитқадамликка, ҳусни одобга, орифлик ва обидликка чақирди. Аслида устозга буларнинг барини Яратганнинг ўзи сунган, ўзи убудият орқали ҳалим тортган кўнгил шудгорига ана шу уруғни қадаб, униб-ўсмоғини марҳамат айлаган, мева тугишини кутган.

Парвардигор бандасига севмак ва севилмак саодатини насиб эттиким, бунинг учун ҳар қанча ҳамду санолар айтсак, пешоналаримиз қабариб кетгудек саждага бош қўйсак оз. Унинг бу улуғ марҳамати инсонларга берилган улкан бахт. Чиройда тенгсиз Юсуф алайҳиссаломнинг сизу бизнинг ичимиздан дунёга келиши, каломуллоҳда «Юсуф» сурасининг нозил бўлиши ҳам Аллоҳнинг меҳрибонлигидан. Ошиқ-маъшуқлик ҳам, бу борадаги дастлабки сўз ҳам ўзиники.

Жулқунбойнинг «Ўтган кунлар» ишқий достонини қоралаши Тангрининг иродасидан ташқарида эмас. Шу боисдан ҳам баралла айтиш жойизки, Отабекнинг Кумушга бўлган муҳаббати ишқи мажозийдан кўра ишқи илоҳийга монанд, яна да тўғрироғи, Юсуф ва Зулайҳолар муҳаббатига пайванд. Сабаби, дунёдаги сиз билан биз кўзларимизга тўтиё қилиб юрган бадиий асарларнинг ўзаги бир — озуқ оладигани — дин. чунки Одам Атодай одам дастлаб яралибди-ю илк бора акса урибди ва «Алҳамдулиллоҳ» калимасини дебди. Демак, бул муъжизадан маълумки, сиз ва биз ихтиёримиздан ташқари ҳолатда ҳам Аллоҳнинг зикри ва шукридан нари ўтолмаймиз. Бизнинг умр бўйи топганимизу йўқотганимиз, қувганимизу қочганимиз, сочганимизу изларганимиз унинг дийдоридан баҳраманд бўлиш холос.

Отабек савдо иши билан юрт кезган, яхши ёмонни кўрган, паст-баландни фарқлай оладиган йигит. У жуда кўп шаҳарларда бўлиб, ўз ёрини излайди. Марғилон сафари унинг Кумушни кўришга, муҳаббат лаззатини тотишга имкон беради. У, эътибор беринг-а, аср намозини ўқиш қасдида таҳоратга жой сурайди. Ибодат сари интилаётган қалб Кумушга йўлиқади, унинг висолига мушарраф бўлади. Бу — ишққа ибодат орқали етишмак мумкинлигига ишорат эмасми? Ошиқлик салтанатига бош уриб, аср намозини қазо қилиши ҳам, ишқ оташи уни ибодатдан ёзгириши ҳам бунинг далолати-ку!

Отабек Кумушни кўргач, таҳоратни ниҳоясига етказди, аммо аср намозини қазо қилди. Муттақий (тақводор) одам намозни қачон унутади, ишқи илоҳийга восил бўлгандагина унутади.

Отабек ўз севгисига мустаҳкам иймон-эътиқод, покиза вужуду эътимод, салоҳиятли садоқат билан эришди ҳамда ошиқлик мартабасига кўтарилди. Отабек ана шу бандалик ғавғоси, ошиқлик дунёси, Юсуфлик савдоси боис сиз ва бизнинг кўнгил тўримиздан жой олди, ўзига эргаштирди. Магарам, бул муҳаббат ишқи мажозийдан ишқи илоҳийга ўтолмаганида эди, эъзозининг парвози паст, овозининг пардози шикаст топар эди.

Отабекнинг тетик, ақлдан баланд руҳи, қайтмас шижоати, қайноқ севгиси бизга ўрнак, дунё икир-чикирлари ила занглаб бораётган қалбимизга кўмак. Унинг ишқ саҳросида чеккан жабр-ситамлари, азоб-уқубатлари, ҳажр ўтида кўйиб-ёнишлари фикрлашига, мулоҳаза-мушоҳада этмагига изн бермайди. Чунки у чин ошиқ, муҳаббат тафтидан уфурган навқирон вужуд, маъшуқасидан бошқа ҳеч нарсани кўрмайди, у ҳақдаги хабардан бошқа ҳеч нарсани эшитмайди. Ҳатто у орзу-ҳавасга, талаб ва эҳтиёжга беитоат Зайнабга ихтиёрий мот.

У ўз инон-ихтиёрини, кўнгил истагини ота-она хоҳишига бўйсундириб, бош эгади-ю ҳижрон домига тушади. Хижрон — хижрат ҳар иккиси-да, умид, ҳар иккиси-да, йўл, орзулар масканига элтувчи машаққатли, айни пайтда ёруғ ва тотли йўл. Ҳамишагидек бундайин азиз ва муқаддар йўлнинг ўз қийинчиликлари, ўз қароқчилари, йўлдан оздирувчилари бор. Улар одам суратидаги шайтони лаинлар — ҳомидлардир.

Ҳомидлар шайтони лаинлар эрса, бечора Зайнаб ким? Зайнаб шунчаки, Кумушнинг кундоши ёхуд Юсуфбекҳожининг иккинчи келиними? Йўқ! Зайнаб нафснинг рамзи, Ўзбек ойимнинг нафси. Отабекнинг ишқи илоҳийига раҳна солувчи, чалғитувчи нафс. Ахир ошиқ-маъшуқликнинг илк мевасини кўришлик насиб этиш пайти келганида Кумушни ким заҳарлади? Зайнабми, демак, отабекнинг ишқини, ишқи илоҳийни нафс заҳарлади. Ва яна ки, ишқи илоҳийнинг ягона тўсиғи — нафс экан.

Отабек барибир ошиқлигича қолди. Баридан кечиб, бағрига покиза ишқини босганча, Марғилонга, сўнг боши оққан томонга кетди.

Энди яна бир мулоҳаза юритмак зарурати туғилдики, бундан бўйин товлашга имкон тоқ муносиб эмасдур, чунки буларнинг бари нафсимиз. Шу сабаб ошиқлик ва маъшуқлик ҳақидаги асарларни ҳам ўз нафсимиз мезонида баҳолашдан уялмаймиз. Бўлмасам, шу дамгача Отабекни актив, Анварни пассив образ деб хукм чиқарармидик? Ахир Анвар Раъногa бўлган муҳаббатини моддийлаштирмаслик учун, покизалигича сақлаб қолиш учун ва ниҳоят нафсдан кечиб, севгилисига яқинлашишни ихтиёр этмагани учун пассивликка маҳкумми? Анварнинг шахсига, унинг муҳаббатига даллол бўлишдан олдин биз ўзимиз унингдек нафсга этак силтаган бўлмоғимиз лозим эди. Шу боис ишқий достонлар, умуман бадиий асарлар ҳақида мулоҳаза юритганимизда ўз нуқтаи назаримиздан эмас, балки қаҳромонлар дунёқарашидан туриб баҳоласак, адолатлироқ бўларди.

Мабодо «Ўтган кунлар» ва «Мехробдан чаён»нинг айрим ўринларига, (агар мумкин бўлса) бундайин диний талқиндан баъзи андишаларга борилса, жавоби ўзида. Асарларни нақадар ёқимли, ўқувчига яқин қилган омиллардан бири — ширали тил, кўнгилларни кўтаринки кайфиятга солган нарса — диний руҳ, синчковлик ва ҳушёрликка ундовчи, яхшилик ва муомалага рағбатлантирувчи унсур — исломий одоб-ахлоқ ишдаг ва ҳаловат бахш этувчи нур — иймон. Зеро, шундай экан. динни ҳаётдан, адабиётдан ажратган ҳолда тушуниб бўлмайди. Қолаверса, сўзнинг ўзини Аллоҳ ато этса-ю, ундан яралган «Ўтган кунлар» ва «Мехробдан чаён»даги диний сифатларни қадрига етмасак, қанақа бўларкин?

Бизнинг бу кичкинагина мулоҳазамиз, илгари дейилган фикрларга зид ёки такрор келса, айбликлар қаторига санангиз.

Баҳодир МУРОД АЛИ.

ДАВР ФАРЗАНДИ

Халқим уйғонди! Адл уйғонди, Ўзининг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақиллигига эришди. Тўрт йиллик тараққиёт ўз самараларини кўрсатмоқда. Ўзбекистон жаҳонда ўз ўрнини, ўз йўлини топди.

Тараққиётнинг ойдин йўлига кира боришида миллатнинг онгида мустақиллик, озодлик мафкурасининг шаклланиши катта аҳамиятга моликдир. Онгнинг шаклланиши, инсоннинг ўзлигини англаши эса, таълим-тарбияга, гуруҳлар ва партиялр фаолиятига боғлиқ ҳолдир.

Шу боис ҳам кўппартиявийлик жараёнлари ривожланган давлатлар ҳаёти учун одатий ҳолдир. Бироқ партиялар қанчалик кўп бўлмасин, — бир бош мақсад: мамлакат равнақи, унинг ўз йўли, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва истиқболи учун курашишдан иборат бўлади. Бунга ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. АҚШ, Франция, Англия, Япония каби ниҳоятда тараққий қилган мамлакатлардаги пириялар ҳеч қачон гуруҳбозлик йўлини тутган эмас, балки давлат ислоҳоти, халқи фаровонлиги йўлида куйди-пишди бўлиб, ҳатто умумий иш учун дастурлар, ревожларда ҳамкор ва ҳамфикрдирлар. АҚШда икки етакчи партия, ўнлаб ҳаракатлар бўлиб, ҳар тўрт йилда икки партиядан давлат раҳбарлигига номзод кўрсатилади. У ёки бу партия вакили давлат раҳбарлигига сайланиб, ўша вакил — давлат бошлиғи — партиялар фаолиятини муштарак бир мақсад — Ватан равнақи йўлида жонбозлик кўрсатишга йўналтиради.

Тоталитар тузум даврида яккапариявийлик, яккамафкура қандай мусибатларга олиб келганлигини биз — ўзбекистонликларгина эмас, жаҳон жамоатчилиги кўриб турибди.

20-йилларда, аниқроғи, 1921 йилда Компартиянинг X съезди ягона партия гуруҳини тузиб, битта мафкура давлат мафкураси бўлиши лозимлиги ҳақида қарор қабул қилганди, 70 йилдан кўп яшамаслигини билмаган экан...

Дараҳақиқат, давлат кўпмиллатли, кўп миллий мустақил Туркистон ўлкаси халқ ҳаракати болшовойлар томонидан қонли равишда бостирилса ҳамки, мустақиллик ғояси, қалбларнинг истиқлол учн кураши ўчмади, тиним билмади, давом этаверди. Халқ тўлқини, халқ орзсини бостириб бўлармиди?

«Миллий истиқлол» ва «Миллий иттиҳд» партиялари ҳамда жадидчилик ҳаракати 20-йилларда яширин ҳолатда Туркистон, Ўзбекистон озодлиги, мустақиллиги учун кураш олиб борди. Таваллудининг 120 йиллиги нишонланаётган оташин истиқлолчи Маҳмудҳўжа Беҳбудий асос солган «Миллий истиқлол» партияси 1926 йилгача фаолият кўрсатди. Бу партияда Ашурали Зоҳирий, Шоҳид Эсон афанди, Зиё Саид, Наим Саидлар каби фаоллик билан Туркистон Халқлари мустақиллиги учун курашиб, қурбон бўлган алломаларимиз орзуси — мана энди ушалди. Миллат уйғонди, миллий мустақил Туркистон ўлкаси халқ ҳаракати болшовойлар томонидан қонли равишда бостирилса ҳамки, мустақиллик ғояси, қалбларнинг истиқлол учн кураши ўчмади, тиним билмади, давом этаверди. Халқ тўлқини, халқ орзсини бостириб бўлармиди?

«Миллий истиқлол» ва «Миллий иттиҳд» партиялари ҳамда жадидчилик ҳаракати 20-йилларда яширин ҳолатда Туркистон, Ўзбекистон озодлиги, мустақиллиги учун кураш олиб борди. Таваллудининг 120 йиллиги нишонланаётган оташин истиқлолчи Маҳмудҳўжа Беҳбудий асос солган «Миллий истиқлол» партияси 1926 йилгача фаолият кўрсатди. Бу партияда Ашурали Зоҳирий, Шоҳид Эсон афанди, Зиё Саид, Наим Саидлар каби фаоллик билан Туркистон Халқлари мустақиллиги учун курашиб, қурбон бўлган алломаларимиз орзуси — мана энди ушалди. Миллат уйғонди, ғилганлигини қалбдан ҳис қилади. Ростдан ҳам, миллатнинг иззати, обрўси тиқланмас экан, башарият олдидаги ўз зиммасидаги бурчини ўтай олмайди, албатта. Зеро, миллий давлатчилигимиз ҳам, унинг анъаналари ҳам ўша етакчи миллат ва шу давлат-заминида яшаётган халқларнинг ҳам миллий ҳамкорлиги, қўллаб-қувватлаши асосида мустаҳкам бўлади. Ўзбекистон давлатининг обрўсини оширади.

Президент Ислом Каримовнинг мағрибу-машриққа қилаётгн сафарлари, сайъ-ҳаракатлари миллий тикланиш, халқнинг очиқ демократик яшашини таъминлаш учун қаратилмоқда.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси халқни ана шу эзгу ниятлар йўлига бошлайдиган, бошқа барча партиялар билан шу мақсадда ҳамкорлик қиладиган парламент партияси сифатида катта маърифий-иқтисодий-ташкилий ишларни амалга оширади.

Қадаминг қутлуғ, фаолиятинг ойдин бўлсин — янги туғилган ПАРТИЯ!

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Асрлар либосига ўранади жисмимиз

Иффатнинг узун йўли

КЎНГИЛ ФАЙЗИ

Одоб ҳар бир халқни бошқалардан фарқлантириб турадирган, қандайин орифлик мартабасига кўтарилганини белгиловчи бир ойинаи хусндирким, буни кўз қорачиғидай асрамоқ ҳамда ундан заргардек истифода этмоқ жоиздир.

Маърифат борасинда тўлиб сўзлаётганлар ёхуд шул савиядин баҳраманд бўлмоқ умидида юрганлар ҳеч иккиланмай одобдин сабоқ олмоққа тиришсинлар, чунки инсоннинг маърифати ва камолати одобдин сув ичмагунча униб-ўсмагай. Демакким, маърифатли бўлишни истаган киши, дастлабки қадами — одобини тузатсин. Унинг мазкур мазҳабдин ўзга йўли, ўзга талпинган меҳроби йўқ. Сабабким, аждодларимиз иқтидори шу соҳани жаҳон маданиятининг гултожисига айлантирган ва ифтихор қилишга арзигулик уламои киромлар даражасига кўтарилган. Ота-боболаримиз тиклаган муҳташам бинога муқобил авлод сифатида бўйланмоғимиз вожиблиги ҳам ана шундадир.

Сиз ва бизнинг инсонлик бурчимиз ўзимизни дунё фуқаролари олдида кимлигимизни белгиловчи, ҳурмат ва эҳтиромга сазовар этувчи одоб меросимизни залолатга юз тутмагидан сақлашимиз, янада юқори мақомотга кўтарилмоғини таъминлашимиздан иборат.

Бунинг учун аввало ҳар биримиз фикр-ўйимизни, феъл-атворимизни вужуд-жаворифимизни (аъзолар), кийган либосларимизни одоб мезонига мувофиқлаштирамиз. Яъниким ўзимизга мос ҳолда покиза тафаккур, яхши аъмоллар қиламиз, баданларимизни, кийимларимизни тоза тутамиз. Сўнгра қилмоқчи бўлган юмушларимизга ва турмуш ташвишларимизга одоб нуқтаи назардан ёндошамиз.

Киши қандай ҳунар эгаси, ёхуд қандай иш билан банд бўлса, касб-корини давом этказиш илинжида шогирд орттирмоқчи бўлса, шуларни инобатга олсин. Чунки ҳар қандай ҳунарнинг, касб-корнинг ривожи, умрбоқийлиги одоб билан. Ахир қанча истеъдодли усталарнинг, тафаккури кабир олиму муҳандисларнинг иқирозга юз тутиши одоб ҳудудини тарк этишидан эмасми? Эл орасида қўли гулу, ўзининг мазаси йўқ-да, ёхуд кўриниши туппатузук одам-у, қилиғини қара, деган иборалар бекордан бекорга тез-тез қулоққа чалинмайди-да.

Одоб барча касб-корнинг чироғи, тирикликнинг маёғи экан, шубҳасиз, улуснинг борлиғи, жамиятнинг ёрлиғи ҳамдир.

Жаҳондаги қайси ривожланган мамлакатни қарасангиз, кишилари одоб-ахлоқли, бировнинг ҳақини емайдиган, ҳатто луғатида пора деган сўзи йўқ халқлар ҳам мавжуд. Уз-ўзидан маълумки, юксалишнинг бирдан-бир омили одоб-ахлоқ.

Ишимизнинг яхши давомини ўйласак, одобда ўзимиздан кейин келаётган авлодга намуна бўлайлик. Устозшогирдликнинг биринчи белгиси одобдан. Ҳунарингизни яхши эгаллаб маслигиям мумкин, лекин одобингизни олади. Чунки одамзотнинг қонида одобга чанқоқлик бор.

Кейинги мулоҳазамиз болалар одоби. Бунда яна аждодлар анъанасига мурожат қилмоғимиз керак. Болани ҳеч қачон фақат ота-онанинг ўзи тарбиялай олмайди. Болани одобли, ота-онасига меҳрибон қилиб тарбиялаш учун бирор бир яхши хулқли ҳунармандга, ёки касб-кор эгасига шогирд қилиб бермоқлик фойдадан ҳоли бўлмас. Бизнинг бемалол бундай таклифни айтаётганимизнинг боиси, шахсий тажриба, қолаверса, муаррихларнинг китобларини ўқиб, ўрганганчина шу хулосага келинган.

Агар аждодларимиз одобни қалбнинг гавҳари сифатида эҳтиётлаб, унга яшашнинг қонуни деб амал қилмаганларида эди, бизга одоблар мажмуи етиб келмас эди. Ҳар хил урушлар, ўзаро низолар, қийинчиликлар ва очарчиликлар тўфонидан мана шу одоб уларни авайлаб олиб ўтган. Жамиятларнинг ўзгаришига, қийинчиликларига, уруш ва низолар келтириб чиқарган оғир шароитларга фақат ахлоқи етук одамгина чидай олади, сабр билан босиб ўтади. Қолаверса, одоб дегани қўл қовуштириб лаббай деб туравериш эмас, ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳам демакдир. Шу боис ахлоқи комил кишилар жамиятида адолат ҳукм суради, жаҳолат йўқолади. Фарзандингиз бирор ҳафта аҳли тамиз одамнинг уйида турсин-а, ана шунда бу гапларимизга ишонч ҳосил қиласиз,

Маърифат ғунчасин дояси — одоб.
Ботиний ҳуснинг сояси — одоб.

Биз бу рукнимизни комил ва ориф инсон, улуғ миллатпарвар Абдулла Авлонийнинг кичик ахлоқий хикояларидан бошладик.

Маърифат ва ахлоқ бўлими

Абдулла АВЛОНИЙ

ИДРОК ВА ЗАКО

Идрок ва зако деб очуқ фикрли, хуштабиат, зийрак бўлмакни айтилур. Идрок ва зако яхши хулқларнинг равзаи ризвони, ибрат кўзларининг раҳмонийсидур.

Чунки идрокли кишилар ҳар бир мақсаднинг остида яширин ўлган замирларнинг маъноларини на ердан бориб чиқишини билур. илму маърифат соҳиби бўлмак учун саъй ва ғайрат керак ўлдиғи каби зеҳн ва идрокнинг ҳам саломат бўлмоғи шартдур. Шунинг учун ёшликдан бошлаб зеҳн ва идрокимизни қувватландурмак учун азиз умримизни ўйин-кулги, сафсата, молояъни каби беҳуда сўзлар ила ўткармай, ҳар хил китоб, газита ва журналларни ўқуб, фикримизни очмоқ, зеҳнимизни қувватландурмак, лозимдур. Зеҳнсиз кишиларнинг ўлчовсиз сўзлари ўзларини уялтиргани каби эшитувчини ҳам зериктирур.

Ҳар кишининг фикр, идрокин сўзи билдирғуси,
Пистаи бемағз агар лаб очса расво бўлғуси.

Идрок соҳиби ўзини фозил ва улуғ билиб ҳамжинсларига ҳақорат кўз ила боқуб: «Биласанми? Ман қандай бой ва обрўли кишиман» деб мақтануб, ўзини катта қилуб кўрсатмас. Устига юкланган диний, миллий ва маиший вазифаларни ҳар бирини ўз вақтида адо қилур. Мана шундай кишилар икки дунёда обрўли бўлуб, ўлганларидан сўнг «фалони хўб, яхши зот эди, худо раҳмат қилсун, миллатга кўп хизмат қилди, халқга фойда еткурди», деб бошқалар тарафидан мақталадурлар.

Ҳушёр ва зийрак кишилар куч ва қувватлари бор вақтида келадурган замонларни тушуниб, пул ва молларни ўринсиз ерларга, тўй ва маъракаларга ҳаддан ортиқча исроф қилмаслар, ўзларининг роҳати, болачақаларининг саодати учун керак бўладурган ер ва боғларини сотмасалар, замонага мувофиқ киши қилмак учун болаларини ўқитмак ва тарбия тўғрисида ақчаларини асло қизғанмаслар.

Идрок ила ақлинг-ла аюр яхши ёмонни,
Бехудага сарф этма шу қимматли замонни.
Саъй эт, жадал эт, илму фунуна ҳаракат қил,
Боқ, найладилар ҳикмат ила ушбу жаҳонни.

ИҚТИСОД

Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакка айтилур.

Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саҳоватнинг зидди бахллик ўлдиғи каби иқтисоднинг зидди исрофдур. Аллоҳ таоло исроф қилғучиларни суймас. Иқтисодни риоя қилган кишилар ҳамма вақт тинч ва роҳатда яшарлар, арилар қиш кунида бол йиғганидек, бошларига келадурган қора кунларни ўйлаб, оқ пул йиғилур. «Тома-тома кўл бўлур», — демишлар. Ҳар нарса оздан кўпаюр.

Кўпни озайтирувчи хотун киши,
Озни кўпайтурмак эрур эр иши.

Ҳозирги замонда мақсудга етмак, ўз миллатига хизмат қилмак, халқга мақбул бўлмак учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойликлар ила ўлчанадур. Ҳар ерда бой миллатлар оғир келуб, паллани босуб хўжа ўлганидек, фақирлари енгил келуб, қул ва асир бўлуб, осилиб қоладур. Мол топмакнинг энг баракатли йўллари: ҳунарчилик, экинчилик, чорвачилик, савдогарликдур. Буларнинг ҳар бирига ҳам бу замонамизда билим лозимдур. Боболаримизнинг «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» замонлари ўтуб, ўрнига «билган битар, билмаган йитар» замони келди. Америкаликлар бир дона буғдой экуб, йигирма қадоқ буғдой олурлар, евруполиклар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамизни келтурруб, ўзимизга йигирма беш тийинга сотурлар. Аммо биз осиёликлар, хусусан, туркистонликлар думба сотуб, чандир чайнаймиз: қаймоқ беруб, сут ошиймиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз. Сўзнинг қисқаси, ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф саъй, битмас ғайрат лозимдур.

Расули акрам набийни муҳтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Сўнг замонларда динни сақламак мол ила бўлур. Иқтисод узра ҳаракатли кишилар фақир бўлмас», — демишлар. Яна: Ҳар нарсада ўрта иқтисод йўлини тутмак лозимдур. Ифрот ва тафритдан иқтироз қилмак керак, ҳатто дин амринда ҳар бир одам ортуқ суфийлик сотса, охиринда ўзи мағлуб бўлур, — демишлар.

Халқ ичинда мўътабар бир нарса йўқ давлат каби,
Бўлмағай давлат жаҳонда қуввату сиҳҳат каби.
Иқтисод, инсоф, зийнатдур вужуди одама,
Яхши неъмат йўқ кишига саъй ила ғайрат каби.

ҲАҚШУНОС

Ҳақшунослик деб бир кишининг қилган яхшилигини унутмасликни айтилур. Бутун оламдаги инсонлар ҳақшунослик ва дўстлик орқасида яшарлар. Қарс икки қўлдан чиқар. Шариатда яхшилик қилган кишига яхшилик қилмак вожибдур. Ҳукмдорлар ёмонлик қилган кишига ҳам яхшилик қилмак лозимдур, дерлар. Ҳосил яхшиликдан зарар кўрган, боши ёрилган киши йўқдур.

Яхшиликдан дўстлик, меҳрибонлик туғар, икки кўнгил орасида улфат ва муҳаббат чўжуқлари югиришар, қувушарлар. Бу дўстликни жамол ва камоли ҳақшуносликдурки, бировдан кўрган яхшиликни унутмай, шунинг баробарига биз ҳам ўз вазифмизни адо қилмак лозим экан, ҳеч бўлмаса, тақдир қилмак ила биродарлик ва дўстлик ҳурматини адо қилмоқимиз лозимдур. Чунки, мўмин биродари мўминдур.

Дилдан дил узра очиладур икки хил йўли,
Меҳнат меҳр йўли очилур, кина ким йўли.

Маълумдирки, ҳар бир миллатни тараққий ва таолийси ўз миллатига жон, мол, қалам ила ишлаган кишиларнинг хизматларини тақдир қилуб, вазифалар, ҳайкаллар, қаламлар ила ёд қилуб, ўтуб кетган баҳодир, олим ва шоирларнинг руҳларини шод қилуб, ишловчи кишиларнинг ғайрат ва жасоратларини зиёда қилмакда экан. Афсус, бизлар тақдир қилмак бир тарафда турсун, таҳқир, масхара, ҳатто такфир қилмак ила қаршу олурмиз.

Яхши ишдур ҳақни тақдир айламак ҳар хизмата,
Ҳақшунос ўлмак ҳақиқий бир қувватдур миллата.
Ҳақшунос ўлмакка машҳур эрдилар пайғамбарим,
Тўғри йўлни ташламак асло ёқшамас уммата.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
Муассис: Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
◆
Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ
◆
Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган
◆
Буюртма: Г — 0282
◆
10000 нусхада босилди
◆
Сотувда нархи эркин
◆
Ҳажми 2 босма табоқ
◆
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди
◆
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
◆
Газетанинг ушбу сонини **Маҳмуд Саъдий, Беккул Эгамқулов, Ашурали Жўраев, Баҳодир Мурод Али, Суннатулла Саимназаров,** тайёрладилар

АЖИБ САДО БЕРАДИ

Маълумки Алишер Навоий Ҳиротдан Самарқандга ўқишга келганида ва қайтаётганида ҳозирги Сурхон ва Қашқа воҳаларида яшовчи қўнғирот, арлот, барлос, сулдуз, чуют, сарой, найман каби тўқсон икки бовли ўзбек уруғлари билан мулоқотда бўлган. Алишер Навоий ушбу уруғлар тилини синчиклаб ўрганган ҳолда кейинчалик улар ишлатган сўз ва иборалардан ўз асарларида усталик билан фойдаланган. Шу сабабли шоир асарларида учровчи сўз ва ибора маъноларини аниқлашда бу шевалар катта аҳамиятга эга. Ушбу мўъжаз тадқиқот воҳада бугунги кунда ҳам ишлатилиб, шоир асарларини тушунишга ёрдам берадиган етти сўз ҳақидадир.

1. Шоир «Лайли ва Мажнун»да қичиғламоқ феълини ишлатади:

Кўз қўйди табони узра йиғлаб,
Уйғотғали киприги қичиғлаб.

Бу феъл ўзбек шеваларидан фақат шаҳрисабзликлар тилида қитиғламоқ маъносида ишлатилиши сабабли юқоридаги байт маъноси ўқувчига аниқ бўлади: (Лайлининг онаси) киприги билан уйғотиш учун кўзини қизининг товонига қўйди.

2. «Фарҳод ва Ширин»да пору сўзи учрайди:

Ва ё пору била қор аритур эл,

Воҳа деҳқонлари қишда ёққан қалин қорни эритиш учун пору, яъни гўнгдан фойдаланишлари сабабли ушбу мисра маъноси аниқ бўлади.

3. Қашқа ва Сурхон воҳалари аҳолиси сув ювиб кетиши натижасида ҳосил бўлган ўйиқ жой-ғорни камар деб атайдилар. Бу сўз «Фарҳод ва Ширин» асарида бир неча марта учрайди:

Суға ариғ шигофин очти чун чуст,
Бурунов камарни боғлабон руст.

Мазмуни: (Фарҳод) сув очиш учун аввал ариқнинг тешик ва ўйиқ жойларини беркитди.

Қуйидаги байтда шоир йирик сўз санъаткорига хос камар боғлаб иборасини ийҳом санъатидан фойдаланиб икки: 1. ўйиқ жойни беркитиш; 2. астойдил ҳаракат қилиш маъноларида ишлатади:

Камар боғлаб йиқарға чун ҳажарни,
Йиқиб ҳар зарби дасти бир камарни.

Агар биринчи маъно ҳисобга олинса, байт қуйидагича изоҳланади:

(Фарҳод) ўйиқ жойни беркитиш мақсадида тош йиғди, ҳар зарби билан бир ўйиқ жойни беркитди. Агар иккинчи маъно (камар-белбоғ) ҳисобга олинса, байтни қуйидагича изоҳлаш мумкин: (Фарҳод) тош йиғиш учун астойдил ҳаракат қилди, ҳар зарби билан бир ўйиқ жойни беркитди. Қуйидаги байтда шоир янги камарбур — ўйиқ жой ясовчи сўзини яратган:

Кўрардин йўғ камарбурларға тўймоқ
Не ҳадди ерға пушти даст қўймоқ.

Маъноси: (Ширин) ўйиқ жой, ғор ясовчилар ишига қараб тўймасди, шу сабабли улар бундай вақтда қўл қовуштириб ўтира олмас эдилар.

4. Воҳанинг айрим жойларида сигир уй деб юритилиши сабабли қуйидаги байт маъноси аниқлашади:

Қассобдин уйға гар хуришдур,
Ўлтурғали они парваришдур.

Мазмуни: сигир парваришидан қассобнинг мақсади уни суйишдир.

5. Қашқа воҳаси уруғлари тилида ҳайдамоқ маъносида қавмақ ва қўримоқ феъллари ишлатилади. Қуйидаги байт маъноси шу сўзлар орқали ойдинлашади:

Йўқ анга чибин кўрур мажоли,
Куш қавғали худ не иҳтимоли?

Мазмуни: пашшани ҳайдагани мажоли йўғу қушни қандай ҳайдайди.

6. Қашқа воҳасининг айрим жойларида қатиқ маъносида жўғрот сўзини ишлатадилар. Шевада ишлатувчи бу сўз орқали «Садди Искандарий»даги ушбу байт мазмунини тушуниш имкони туғилди:

Ани уйга келтурди тортиб инон,
Ғавон моҳазар чекти-жўғроту нон.

Мазмуни: у (шоҳни) уйига келтириб, ўша ондаёқ қатиқ ва нон қўйди.

7. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида ўткир маъносида итик сўзи ишлатилади. Шевадаги ушбу сўзлар қуйидаги байт мазмунини очишга ёрдам беради:

Дебонким: «Скандар йиборган битик,
Ким саммдин ачиғдур, қиличдан итик.

Мазмуни: Айтди: Искандарнинг юборган мактуби заҳардан аччиғу қиличдан ўткир.

Бу билан Алишер Навоий асарларини тушунишда Қашқа ва Сурхон шевалари алоҳида аҳамият касб этишини таъкидламоқчимиз...

Эргаш УМАРОВ
филология фанлари доктори